

Эшоннинг хонахохида доимо мингдан ортик одам бўлар эди. □□ Шунинг билан даромади ҳам катта эди. Мана бу холларни ва бўлиб турган ишларни мустабид чор ҳукуматининг губернатори ва ҳокимлари юкорига ёзиб, “Рапорт” билан билдирганидан, Туркистон генерал губернатори ўз олдидаги хос терговчини ва уларнинг бошлигини чакириб, Маргилон уезд ҳокими билан ҳақиқат килмокка ва бўлиб турган ишларни кўриб ақл юргизмокка юборди. Булар келмасдан бир ой илгари хабари келиб, Йикчи эшон алохида ва махсус поёндозлар тайёрланиб кўйди. Хар хил гиламлар топдириб омода бўлиб турди. Чунки Маргилон ҳокими эшонга бу хусусида хабар берган эди.

Буларнинг келишидан бир ой аввал Асакада турган раён пристави Маргилон ҳокимига эшон тўғрисида куйидаги маълумотни беради.

РАПОРТ

1897 йил 15 декабрда

Ул баланд даражалик Маргилон уезд ҳокимига
Асака атрофининг нойибидан рапорт...()

Сиз баланд даражаликка шу тарика маълум киламанки, маним ихтиёримга топширилган Асакага карашли Мингтепа кишлоғида бу тарихдан 25 йил аввал келиб ўрнашган, асли мингтепалик “Мухаммадали эшон” деган бир киши эшонлик килиб турган бўлса-да, бу кунларда ниҳоят кучайиб, бутун тоғлардаги киргизларни ўзига тобе килди: маним махфий олган ахборимга караганда, муридлари ўн мингдан ошган бўлса керак, хаммалари эшонга шундай тобеъдирлаки, агар амир килса, бир кунда жамъ бўладилар. Агар шундай бораберса эҳтимол Эрон эшонларидек Русия давлатига исён чиқарса, лоақал ҳукумат бошликлари амр фармонида инкиёд килмаса. Чунки хонакахига бир катта мактаб килиб, тахминан 250га яқин болаларни учта муаллим солиб доимо ўқитиб турадир. Булар оз кунда ўкиб чиксалар, кўпларини “Истамбул”га юбориб ўқитмокчи эмиш. Буларнинг хар нечик бўлса-да, манъ килмоғи зарур эди. Бу кунларгача жанобингиздан бир амр фармойиши бўлмагани учун сустлик кўрсатиб келинди.

Эндиликда маним фикримга эҳтиёт бўлмок лозимдир. Бинобарин жанобингизга маълум килдим.

Участковый пристав (ЧАНИШЕВ)

Мана бу ахбор Маргилон ҳокимига етиб тездан оркасига ушбу сўзни ёзиб кайтарган эди: “Участковой приставга маълум бўлгайки, тездан Йикчи эшон Мухаммадали халифанинг таржимаи холига доир равшан ахборот ёзиб юборгайсиз” деб мана бу хабар келганидан сўнг Йикчи шон ахборотида доир муфассал ахборот ёзиб юборган эди. Бу ахборотни Маргилон ҳокими Тошкентга, губернатор воситаси билан юборганда, Генерал губернатор ўз тарафидан зикр килинган алохида ишларга хос маъмур терговчиларни юборган эди.

Бу тўралар Маргилонга келиб, ундан езд ҳокимини бирга олиб 12 киши билан 1897 йил, 12 майда (жавзо) Мингтепага келган кунлари эшонни кўрмакка борган зиёратчиларидан Мулло Абдулкаххор Орифхожи ўгли хикоя киладики: якин келганда бир кишини олдини чоптирган эканлар, келиб хабар берди. Эшон дархол чикиб кўчада, дарвозадан тортиб тахминан 500 кадамча жойга пояндоз солдириб, ичкарида махсус чодир тикдириб, дарвозадан бу чодиргача ҳам бархутдан пояндоз килиб, байроқлар тикиб, ниҳоят зийнат бериб кутиб турди. Хамма хизматчилар ва меҳмон одамлар ҳамда кишлок амалдорлари кўп кишилар дарвозадан ташкари чикиб, истикбол килиб туриб эдилар... Мингбошилар от чопиб: “келди-келди” деб хабар келтирдилар. Эшон дархол “Мулла Солих” деган хазиначисини чакириб, бир тўп бўгча тўн олиб чикиб турди.

Ярим соат ўтгач, тўрт извошда 12 киши, тўралар, ҳокилар ва приставлар келиб тушиб, эшон билан ҳаммаси бир-бир кўришиб, саломлашиб бўлгандан кейин эшон бўгчани очиб, ниҳоят кимматбаҳо бўлган тўнлардан олиб, ҳаммасига баробар “чанг тўни” деб кийдиришга бошлагон эди, бири манъ килиб қабул кўрмагач, эшон кўл боглаб: “бизнинг одатимиз шулдир, агар қабул кўрилмаса бизга ор бўладир” деб эди, ҳаммаси кийиб олди. Ушбу холда сурат олдиригон руслар неча мартабадан сурат олдилар. Кейин эшонни таклиф килдилар. Эшон олдин юрмай: “меҳмонлар юрсунлар” деб кўл боглаб турганда, бир катта, йўгон тўра, тошкентлик меҳмонлардан бўлиб терговчилар бошлиги эди. Хаммадан олдин “пояндоз”ни босиб ичкари караб юрди. Оркасидан хамма руслар катор-катор бўлиб ўтирдилар. Хаммалари устларидаги янги тўнларни ечиб кўйдилар. Одам ниҳоятда кўп эди. Хамма атрофни куршаб олдилар. Булар учун махсус таомлар тайёрланган экан, олиб келинди, таом еб сўзлашид ўтирдилар.

Мана тамом зиёфат ўтгандан сўнг, баъзилар ўринларидан туриб, эшоннинг хонакохи, дастгоҳи, меҳмонхона, нонвойхона, отхоналарни айланиб юриб, болохонадаги ошхонага

чикиб, ошпазга иш килдириб кўрдилар. 5-6 минутда ош килиб бериш амалдорларни хайратда қолдирди. Лекин шу вақтда қаромат ёки қалон дегучи киши бўлмади. Тўралар “нима сабабдан бундай?” деб сўрамадиларми экан, ҳеч ким бу ошхоналар хусусида изоҳот бермади.

Икки соатга яқин фурсат ўтгандан сўнг ҳали йўгон терговчи қўлига қогоз олиб эшонни чақириб қўйидаги саволларни берди:

Терговчи – Неча ёшга қирдингиз?

Эшон — 51 ёшга чиқдим.

Т. – Отингиз ва лақабингиз нима?

Э. – Отим Мухаммадали, отамнинг номи Мулло Исмоил.

Т. – Қайси динда ва қайси мазҳабдасиз?

Э. – Мусулмон, “Ханафий” мазҳабман.

Т. – Қайда ўқигансиз ва қайси ерларни кўргансиз?

Э. – Кўпроқ Бухорода ва Қарруҳда, Шахрисабзда ўқиб, ундан кейин ҳажга бориб, Мадинада икки йил туриб, ундан Хиндистонга ўтиб кейин Қашмирга келиб, йил туриб пириустодлар хизматида килиб, қайтиб қелганман.

Т. – Неча йилдан буён эшонлик қиласиз?

Э. – Йигирма олти йилдан буён қиламиз.

Т. – Муридингиз неча киши, қаерда кўпроқ?

Э. – Муридларим кўп, қанча эканини билмайман. Лекин кўпроқ биродарларимиз қирғизлар ичидан, Қетмонтепа ва Қўғарт тарафларида.

Т. – Подшоҳ ва император аъзамни қандай деб қиласиз?

Э. – Подшоҳ аъзамни қатта подшоҳ, улуг ҳукмрон, одил подшоҳ, фуқаропарвар, қамиъ подшоҳлар қошида иззатлик деб қиламан. Чунки ҳажга борганимда қайси мамлакатга борсам, ўша мамлакатда оқ подшоҳнинг пули ўтадиган кўрдим. Бошқа подшоҳларнинг пули оқ подшоҳ мулкида ўтмайди, шунинг учун бу подшоҳни зўр подшоҳ деб қиламан.

Т. — Подшоҳи аъзамга қарашли қайси мамлакатларни кўргансиз?

Э. — Ўз қишлоғимдан қортиб, то Севастополь, Одес, Қирим Қафа, Ашқабод, Узунота, Тошқентларни кўрдим.

Т. — Петербург, Москва, Варшаваларни кўрмадингизми?

Э. – Йўқ, у тарафларга ўта олмадим.

Т. – Одес, Севастополларда подшоҳ аъзамнинг дабдабайи аскария ва шавқатларини нечук қармладингиз?

Э. – Ниҳоят зўр, қатта, аскарлари кўп, обод.

Т. – Бошқа подшоҳлар, масалан, инглиз, афғон, буларнинг шавқатлари ва аскарлари қалай? Турк давлати нечук?

Э. – Буларнинг шавқати ва аскарлари оқ подшоҳдек кўринмади. Турк ва афғон бўлса, ниҳоят нообод, мулклари қароб, аскарлари Россиядек озода эмас экан.

Т. – Мунча давлат ва иморатлар отангиздан қолганми ёки ўзингиз топганимиз? Эшон бўлмасдан аввал нечук эдингиз, ер-сувларингиз бор эдимиз?

Э. – Отамдан бир кичкина ховлича колган эди. Бошка давлат колган эмас. Бу давлатни 26 йил ичида хаждан келганимдан сўнг аввали худойим этказди, иккинчидан, подшоҳ аъзамнинг сояси давлатларида эшон бўлганимдан кейин топдим. Хали ҳам чандон давлатлик эмасман, ҳамма нарсаларим худованди олам йўлида, бева-бечораларга хадя килиб қўйганман. Нимаики худойим этказса бечора-камбагалларга пишириб, бериб турибман. Шундай килиб камбагал-чанбагаллар йигилиб колганлар. Шулар билан нима топсак, еб ётамиз. Подшоҳ хазратини дуо киламиз, бошка ишимиз ёк бизнинг. Ишимиз дуо килмок ва топганимизни бева-бечорага пишириб бермакдир.

Т. – Муридларингизнинг хаммаси камбагал одамларми ёки бой ва давлатлик одамларми, кайсиси кўп?

Э. – Хар кайсиларидан ҳам бор. Бой ҳам бор, камбагал ҳам кўп: хаммалари бизга баробардирлар.

Т. — Муридингиздан хадяни ўзингиз айтиб, солик солиб оласизми? Ёки ўзларича ихтиёрлари билан олиб келадиларми? Бу юрган одамлар аввалида нима одамлар эди. Бой кишилармиди ёки камбагаллар эдими? Булардан сизга қандай фойда бор?

Э. — Биз ҳеч қимга “бир нарса олиб кел” деб айтмаймиз, ўзлари худойим кўнглига солиб, бир нарса “худойи” хадя килса, олиб ҳаққига дуо киламиз. Берилган нарсаларни бўлса, дархол ўша куни дошга солиб пишириб бечораларга таом килиб берамиз. Бу ётган камбагаллар эса хар томондан йигилгон гариб бечоралардир, булар аввалдан камбагал келган кишилардир. Булардан бизга ҳеч наф ёк: шу жойда “худо” деб, бўлса еб, бўлмаса қаноат килиб ётадилар. Буларнинг хизматлари шу хонақоҳни супуриб тоза килиб, келган- кетган меҳмонларнинг отларига қараб, таҳоратларига сув бериб туришдир.

Т. – Сизга қайсилар яқин, бойларми ёки камбагалларми? Қайсисининг тарафдорисиз?

Э. – Албатта, манга шу олдимда хизмат килиб турган камбагаллар яқиндир. Чунки доимо хизматда, келган- кетган кишилар аҳолидан хабардор бўлиб, манга ёрдамлари тегадир. Ўзоқлардаги бойлардан ҳеч умидимиз ҳам ёк, уларнинг бизга фойдаси ҳам тегмайдир. Ўзимиз бир дуогўй бечоралардан бўлганимиздан кейин “Алжинс маалжинс” деганидек хар қим ўз жинсига дўст тутиб, бирга бўладир.

Т. – Подшоҳ аъзамнинг қатталиги ва аскарининг қўплигини ўзингиз билганингиздек, буларга ҳам айтиб тушунтирасизми? Булар ҳам биладиларми?

Э. – Албатта айтамыз, хаммалари биладилар.

Т. – Императур аъзамнинг хонадонларини, номларини биласизми? Бу юрганлар ҳам биладиларми?

Э. – Ок подшоҳнинг исмларини одамлар, Николай, Николай подшоҳ деб юрадилар. Шунини эшитамиз, булар ҳам “ок подшоҳ” деб биладилар. Бирок, хонадонларининг номларини чандон билмаймиз.

Т. – Албатта подшоҳ аъзамнинг мулкида туриб шунча давлат топган бўлганингиздан

кейин подшоҳнинг ва ҳодадон муаззамаларининг номини тмом ўзингиз ва муридларингиз билан билмакларингиз зарурдир. Ман приставга буюраман подшоҳ билан хонадонларининг номини тамом мусулмонча ёзиб беради. Ўзингиз ва муридларингиз ҳаммаларингиз билиб, ёд қилиб ҳар намозда дуо қилмоқларингиз керак. Бундан кейин шундай қилинлар! Хатто мактаб болаларигача билдиринг, ўқиб ёд қилсинлар! Хокимлардан бири сўраганда дарҳол айтиб берадиган бўлсинлар, — деганда, эшон ўрнидан туриб қуллик қилиб дуо қилди. Терговчи ўрнидан туриб дафтарини ёпиб: “Энди, кетамиз” деб жавоб сўраб эди, эшон ўрнидан туриб, яна катта бир бўғча тўн олиб чиқиб, ўртага қўйиб, “тортик” деб оғзини очиб қўйди.

Амалдорлар бу тўнларнинг ҳаммасини қўриб, “рахмат-рахмат” деб қабул қилмадилар. Орада уч хотин киши ҳам бор эди. Буларга катта қозғоқ ўралган бир нарсани қўйди. Хотинлар олдилар-да, кетадиган бўлиб тараддуд қилдилар.

Шу маҳалда эшонни тергов қилган йўгон тўра айланиб ошхоналар тарафига бориб, ундан хожатхонага кириб турғонида Мулло Салоҳиддин (Эшоннинг хазиначиси) эшон билан махфий сўзлашгани сўнгида, “сийлов, сийлов тўрам” деб бир қонивертни тўранинг чўнтагига солиб қўйди. Тўра у ёқ-бу ёқ қараб, “хорошо-хорошо” деб чўнтагига солиб қўйди ва рўмолини олиб, қўлини артиб бошқа руслар олдига чиқди. Кейин ҳаммалари туриб тўнларини қийиб, эшон билан хайрлашиб жўнаб кетдилар.

Бундан икки ой муқаддам минора йиқилиб 24 кишини босиб қолиши тўғрисида ҳеч нима гап бўлмади, лоақал сўралмади. Буларнинг қелишлари, салтанатпарастлик, жаҳонгирлик намойишидан бошқа ҳеч бир натижа бермади. “Мустабид чор ҳукуматининг истиклолият ва зулм қилишда пойдорлигининг дуоли нумуборак ном палидини ёд қилмоқдан ҳеч маслаҳат ёқ экан, ҳалога қирганда қорни тўйиб қолди шекилли қайтиб чиқиб ошга ҳам турмай жўнадилар. Мана уларнинг тергови ва терговдан муддаолари!

ЧОР ҲУКУМАТИНИНГ ҚАРШИЛИК ҚАРАҚАТИ

Тарих мелодийнинг 1895 йилларида чор ҳукуматининг қолим генераллари Туркистон ўлкасига қўйилгон “миссионер”, яъни дин бузувчи Остроумовларнинг тақлифлари бўйича, Туркистон ўлкасининг халқини қўр қоби истибдод қоронгусида қолдирмоқнинг маслаҳатида “Русский-туземный мактаблар” очмоққа қиришдилар.

Мадраса вақфларини қони, вақф қилгувчи вақфларнинг авлодларига буюриб қериб, қотиб ёмоқларига фармоиш қилиб ва мусулмонларнинг жума намозларида

(хутбаларда) подшоҳнинг номини қўйиб ўқимок, Куръоннинг “вал мушрикин” деган жойларидан “мушрикин” ибораларини чиқармок каби беҳуда ишларни амр килдилар.

Шаҳар ҳокимлари, кози, амалдорлар ҳам мактабдорларни чокириб ок подшоҳнинг номини жамиъи одамларга билдириб, масжидларда, намозларда дуо килдириш, хатто мактабларда ёш болалар ўқийдиган эшон Сўфи, “Чаҳор китоби” деган савоб китобларидаги “азоби қабр кофирларгадир, чин – кўрар гўрнинг азобин баъзи мўмин” дек бўлгон байтларини ва “кофир, мушрик” деган иборатларини йўқотиб, янги босиладиргон китоб ва Куръонлардан юқорида айтилган калималарни чиқаришдек фармойишлар килдилар.

Мусулмонларнинг ниҳоят эзиб, қисиб, хатто қўчадан ё пристуф ўтиб қолса, ё беихтиёр қўрмай қолгон ва ўрнидан турмаган мусулмонлар бўлса, қайтиб келиб уриб, камар эдилар.

Андижонда бир неча мўтабар одамларни қўчада, халқ қошида “манга салом қилмадинг” деб ҳақорат қилиб, қамаб қўядиган бўлди. Тоғ саҳроларда эса, қамбагал қора-киргизларнинг тоғлардоғи мулкларини тортиб олиб, ичкари Русиядан бир неча минг рус дехқонларини қўчириб келиб, бўлиб бериб, охирида элатия, киргизларни ўз мол-мулкларига ҳам эга қилмай, бечораларни Фарғонанинг кенг тоғларига тарқатди.

Шаҳар халқи золим ҳокимлар зулмидан безор бўлиб қўчага қиколмай қолганларидек, шунча кенг тоғлардоғи киргизлар ҳам ўзларининг ота-боболаридан бўён ёкиб қелган, қуриган ўтинларидан ёқолмай қолдилар, балки тикони ҳам қолмади. От, мол, қўй, эчкиларни бемалол боқолмай, бир тарафдан: қўб, оғиз пули деб қарима солиб, пулларини олса, иккинчи тарафдан “туёғ пули” деб қўйларини ҳисоблаб олди. Учинчи тарафдан ўрис мужиклари “маним эқинимга қирди” деб молларини “штраф” қилиб олиб қўяр эди.

Ариза берилса қимга берилар эди? Яна шу золимларга берулур эди. Булар бўлса, ҳеч вақт қамбагалларнинг арз-додига қулоқ солмас эди. Мана шундай қаттиқлик қунларда қолгандан кейин халқ орасида бу зулмларга қарши қўзғолончилик руҳи пайдо бўлиб қолди.

Муаллимлар ва баъзи кўши очилган ёшлар бўлса, пристуф ва хокимларининг ёмон назаридан кўркиб, жонларини кўймокка жой топмас эдилар. Мана шундай килиб вахшатлик кунларда, Мингтепадаги шухратлик эшонга тоғлардаги киргизлар “миллай кўзгалиш” тўғрисида катнашиб колган эдилар.

ЭЛАТИЯ, КИРГИЗЛАРНИНИГ ЙИКЧИ ЭШОНГА ШИКОЯТЛАРИ

Кетмонтепа, Кўгарт тарафларидаги киргизия катталари, “манноф” ва “маннофзода”лари, устларига бориб, бозор килган мужиклардан диккат бўлиб, уларнинг подшохининг орка килиб берган дашномларига чидай олмай, 1896 йилда кўп одам жам бўлиб, Кўгартга тўпланиб, Йикчи эшон хузурига кетиб, куйидаги ёзиладургон маслахат ва аризаларини килмокчи бўлдилар.

Лекин киргизларнинг бу йигин ва жамиятлари факатгина мужиклар зулмига карши бўлиб, бунга машхур Шодхон ботур деганнинг набираси бош эди.

Тахминан 25 киши Йикчи эшонни зиёрат килиш муддаосида келиб, кейин мусохаба ўртасида мужиклардан шикоят этиб айтдиларки: агар бизга ижозат берсангиз ҳамма киргизлар йигилиб, мужиклар устига хужум килиб, хаммаларини оёк остида бостириб юборамиз. Шундай жонимиздан тўйдик. Биз киргизларни ниҳоят бесаранжом килдилар. Бу юрганимиздан хаммамизни ўлганимиз яхшироқдир. Газотга ижозат беринг деганларида, эшон: “Биродарлар! Хали вақт эмас, андак фурсат бор, хамма бирдан хужум киламиз, охири бу Николай зулми остида колмаймиз, бир оз фурсат бор, таваккуф килиб туринглар! Ман ўзим бош бўлиб хамма биродарларни, балки тамом шаҳар халкини ўзимизга ёр килиб, кейин ишни бир йўла бошлаймиз”, деб буларга таскин берган эди. Бу сабабдан киргизиялар андиша килиб: “Эшонимизнинг ўзи бир нарса биладилар. То ишимиздан хабар бўлгунча таваккуф килайлик”, деб кайтиб кетган эдилар.

Мана шу 1895 йилдан бошлаб мужиклар тепасига хужум килиш ва миллий кўзгалиш ҳаракати кўринган эди.

Лекин Йикчи эшоннинг хуруж килмогига мунтазир караб турар эдилар. Охири 1897 йилгача киргизлар билан ичкари Русиядан келиб ўрнашган мужиклар ўртасида ҳар хил

миллий каршиликлар бўлиб туриб, Кетмонтепа ва Кўгарт ноҳияларида турган кўчманчи киргизлардан тахминан 1000 киши жамъ бўлиб, Чибел бўлиси козининг ноиби мулла Рахматилла деганларининг бошлиги билан буларнинг тарғиби орасида кўзголиб ўша кунларда ўлган бир киргиз бойнинг доиси бахонасида тўпланиб, шу йигинда мужиклар тепасига хужум қилмокчи бўлиб, Йикчи эшонга киши юбордилар. Йикчи эшон тезда шу жамиятнинг устига етиб келиб, кўп маслахатлардан кейин ушбу қарорга келиб, тарқалган эдилар.

Гайридинлар билан мухораба (газот) қилмок, бир кишини халифа (бошлик) тайин этилмаса ўлмок билан шаҳид ва ўлдирмок билан гоzi бўлмаслигини назарда тутиб, ҳазрат эшон Мухаммадали халифамизни ўзимизга катта (бошлик), балки ҳазрат Расулллох маснадларига халифа деб билмак ва кишига шаръи ишлар ниҳоятда кўпайгани сабабли ҳазрат эшонни шариатга мутасадди қиламиз. Тамомий амри маъруф ва наҳйи аънил мункарлар бу жанобнинг қўлларида бўлсун ва тарафга раис ва таҳикчилар юборсинлар.

Шу кундан эътиборан бутун миллати исломиятга махфий равиш билан хабар қиламиз, то эшонимиз тарафларидан қайси кун руслар устига хужум қилмокни муносиб қўриб, хабар қилсалар, ўша кун ният газот билан тайинлангоч, жойда ҳозир бўламиз.

Шу маслахатларни Дукчи эшонга маъкул қилганларида, Йикчи эшон шу маънида бир васика ва аҳднома ёзиб, “ҳаммалари муҳрларини босиб, қўлларини қўюб берсунлар”, деди. Шу он аҳднома ёзиб, газотнинг мусулмонларга фарз эканлиги ҳусусида бир канча оят ва ҳадисларни ёзиб, ҳозир бўлганлардан элнинг катталари муҳрлартини босиб эшонга топширдилар. Иккинчи яна бир хужжат ёзиб, амри маъруф ва наҳйи мункар қилмок ва шариат ҳукмларини адолат билан жорий этмок учун умумий мусулмонлар қошига ҳазрат эшонни бош қилдик ва соҳиб ихтиёр қилдик, деб эшонга келтириб ўқиб берганда эшон: “Расулллох макомига халифа бўлмок ниҳоятда мушкулдир. Адолатда ҳазрат Умар машҳур эдилар. Ҳазрат Умарга халифа қилдик. Бу зотнинг равишда адолат қилмокка тайин қилдик деб ёзилсун”, деб буюрди. Унда мулло Рахматилло оҳунд деган киши шу иборатларни ҳам илова қилиб, кейин хаммалари тамом бўлиш (волостъ) мингбошилари деса бўлурлар муҳрларини босиб, Йикчи эшонга бериб, муборақбод қилдилар ва миллий газот бошламोक ҳусусида кун тайин қилмокни ва ҳар тарафга хабар ва таклифномалар ёзмокни ҳам эшонга топшириб, бу сирларни махфий тутмоқа ваъда қилишиб тарқалишдилар.

Бу кундан бошлаб эшон кўп жойга миллий кўзғалиш-газот ҳусусида хат қилиб, элнинг катталарини ўзига жалб қилар эди. Бу йигинни ҳукумтнинг жосуслари сезиб қолиб, шу

йигин нима учун, нима маслахатлар бўлган ва кимлар бор экан, нима учун йигилганлари тўғрисида ахбор олмок учун келиб, тергов килдилар.

Булар бир катталари ўлган учун худойи деб жавоб бериб, эшонни Мингтепага узатиб кўйдилар.

ЭШОННИНГ ХУЖУМГА ХОЗИРЛИК КЎРИШИ

1897 йили Йикчи эшон мустабид чор ҳукуматига карши уруш очмок учун махфий маслахат ва тайёргарлик кўрмок учун ҳаракат килиб, Фаргона музофотидаги машхур катта одамларни ўз фикрига ёр этмок учун ҳар шаҳарга махфий хат кила бошлади. Чунончи Андижон шаҳридаги мадрасаи жомеъни бино килгучи Мухаммадалибой Холмирзабой ўғлига ва мударрислар жумласидан домла Сомий охунд ва домла Холикберди охунд, Ўш шаҳрида Курбонжон додхоҳ ва Камчинбек болаларига ва домла Яъкуб охунд аъламга, Маргилонда Мухаммадюсуфжон эшон ва Сайид Аҳмадхўжаларга, Наманганда Яҳёхон тўра ва Кодирхўжа хожи ва бошқаларга.

Бу хатлар жумласидан андижонлик Махмудали бойвачага келгон хат оркасига ёзилиб, эшонга кайтарилгон экан, кейин эшон кочиб ховлисга чор ҳукумати томонидан мусодара килиниб, тамомий ажнослари Андижонга олиб келиниб, тафтиш килингонда эшоннинг ҳар тарафдан келган хатларни саклайдиргон сандигидан ўша Махмудали бойга ва оркасидаги жавоби чикиб колгон. Кўрган ва ўкиб бергонларнинг сўзларича, эшоннинг хати шу мазмунда экан:

“Аммо баъд аз хамд ва саловот жаноб хайрат сохиби бўлган мулла Махмудали бойга етиб маъруз бўлгайким: бу замон китоблар ҳукми билан охир замон бўлгондир. Ҳар хил фитна ва фасод копайиб, оламни куфр зулмати босиб, аҳли ислом нихоят хор бўлгондир. Бу фасод вақтларини дафъ килмок бизнинг зиммамизга фарз бўлгондир. Чунки факирга бу хусусида гайбдан ҳам ижозат бўлгон эди. Кўп замондан буён фурсат пойлаб шу вақтга етдик. Энди вақт якин бўлиб, караб турмокка фурсат колмади, хаммаси исломга жадд фарз бўлиб колди, энди фурсат ганимат, шу золим ҳукуматдан кутулишга сайъ килмоғимиз ва ижод килувчиларга ёрдам бермоғимиз зарур, балки фарз бўлди. Бинобарин марҳамат килиб Мингтепага, бизнинг факиронамизга шаввол ойининг ўн бешинхисига ташриф килсалар, шу хусусда маслахат килсак, деб кадамларига мунтазирдирмиз. Вассалом аъло манттабъалхудо факири хакир (мухр)”.

Мана бу хатнинг оркасида марҳум Махмудали бой бу жавобни ёзади:

“Баъдаз адойи моважаба алайно манттахиёти вассано машхур хотирлари бўлгайким, юборгон хатлари келиб тегди. Мазмунидан вокиф бўлиб, шу хилда арз киламизким, бу рус подшохи катта подшоҳдир, бунга мукобил бўлмок нихоят мушкул бир ишдир. Биздек факирлар кўлидан келмай қолиб, охири кўп бесаранжомликларга боис бўлурмикин. Хусусан, бу кунларда ҳамма шаҳарларга поездлар келиб қолган, ёл якин бўлган. Жанобингизни манъ қилмокка бизда қудрат йўқ. Ўзлари соҳиб ихтиёрдирлар. Лекин ҳар ишда маслаҳат ва мушоварат лозимдир. Нихоят, ўйлаб иш қилинса, яхши бўладир. Ва олло, ҳеч мусулмон киши бу қолимлар кўида қолмокка розилиғи йўқдир. Шаҳарлар ўзбекларга тор бўлгондек, тоғлар қирғиз, элатияларга тор бўлди, балки Туркистон мусулмонларга торлик қилди.

Нима қилайлик, ноилоҳмиз. Қўлимизда ҳеч нарса йўқ. Этарлик асбоб ва ҳазина йўқ. Ҳар нечик бўлса-да, ишнинг оқибатини ўйлаб, бева-бечораларнинг фикрини қилмоқларини илтижо қиламиз, деб ёзилгувчи мискин ва қариб Махмудали”.

Мана бу хат мустабид чор ҳукумати қўлига тушган ҳамон Махмудали бойни олиб чиқиб қамаб қўйилди. Бугун осадир, эрта осадир билан терговланиб, охири қўшилмагани, балки манъ қилғони, Русия давлатини катта дегони ҳидоят қилиб, бу хабар тахминан 9 ой аввал қетган бўлса ҳам ҳокимларга хабар қилмағони учун ҳам айбдор қилиниб, 11 ой қамалиб, охири қарилғи сабабли қутулиб чиққан эди...(Қолғони ўз мақомида ёзиладур).

Мана бу, Махмудали бойга қилган хатидан бошқа шаҳарларга қилган хатларини қиёсласа бўладир. Ҳаммаси шу мазмунда тарғиб қилинса керак. Бу хатлар ҳар шаҳарда, ҳар қим номига қелган бўлса, “дарҳол жавоб беринг”, деса, орқасига жавоб ёзиб, манъ қилиб ёки қабул ва розилик қўрсатиб берилган.

Бу қаби ҳар жойдан борган хатлар ва жавобларни у содда йўқотиб юбормай, ҳаммасини алоҳида сандугда сақлаб юрган экан. Лоақал уруш қасдида чиқадиған вақтда бир жойга қўмиб қетмагани учун, урушган куннинг эртасига чор ҳукуматининг қолим мутақаббир тўралари қориб эшоннинг қовлисини қосиб, тамом нарсаларини қўймай шаҳарга олиб қелгонда, бу хатлар туфайли қолис дуойи салом ёзган бечоралардан неча юз қиши тутилиб, қамалиб, қосилиб, Сибирга сургун қилиниб, қонавайрон ва қолаларининг етим

колмокларига сабаб бўлди. Кўп бечораларни солдатлар калтаклаб, хайвондек уриб ўлдирдилар.

ХУРУЖ ВАКТИ БЕЛГИЛАНАДИР

1897 йил, 15 шавволда жамият куриш учун Йикчи эшон хар шаҳардан катта-катта одамларни чакиргонидек элатия, коракиргизларнинг катталарига ҳам хат килгон экан. Ўшал вѣда куни Кетмонтепа, Кўгарт, Кошкар девони тагидан тортиб киргизларнинг катталари ҳозир бўлдилар, чунончи, маълум-машхурлари Чибел бўлис, Мухаммадалибек ва эски додхоҳ ва бийларким (Йикчи эшон билан кўлга тушиб осилиб кетдилар), хаммалари ҳозир бўлгон эдилар.

Булар, яъни киргиз катталари, аввал Кўгарт довонига жамъ бўлишиб маслаҳат килиб, орка-олдиларини йигиб, кўп киши билан келгон эдилар. Мана булар 15 шаввол ойида Мингтепада, эшон ховлисига келганларидан кейин икки кун караб ётдилар. Шаҳардан ва бошқа кишлоклардан, ўзбек катталаридан ва номдор кишилардан келмади. Оз-моз ўзбеклар иштирок килгон бўлсалар-да, машхур одамлардан эмас эдилар.

Икки кун караб тургонларидан кейин, эшон булардан умидини узиб: “Шаҳар халки Чор ҳукумати зулмидан кўркканлари учун чикмайдилар”, деб ховлисига (хос жойга) кириб, бир тўп хат олиб чикиб, ўртага ташлади. Бу хатларнинг хаммаси хар жойдан, ўзбек катталаридан келган эди. Очиб, бир бошдан кўриб, мутолаа килдилар. Баъзилар ёр бўлиб ёрдам бермагани ва хабар берилганда отланиб чикишни ваъда берган бўлсалар-да, баъзиларнинг манъ килиб, маслаҳат кўрмаганлари маълум бўлди. Узундан-узок сўзлашганларидан кейин кўп кишилар ёрлик ва хамжихатлик (бирлик) килмагани учун андиша килиб, келаси йилгача таваккуф килмокка ва бу маслаҳатни ниҳоят махфий тутмокка қарор бериб, аҳд килиб таркаладилар. Келаси йилгача ҳаракат бўлиб, одам тайёрламок билан машгул бўлишларига ваъдалар килиб, ондлар ичдилар. Бу тўғрисида баъзи инкилобчиларнинг иштирок ва зимма раҳбарликлари ҳам бор бўлса керак, аммо, ниҳоят махфий бўлгани учун табиий номларини билиб бўлмади.

ХАЛКНИ КЎЗГОЛОНГА ЧАКИРИШ

Юкорида айтилган маслаҳат тамом бўлиб, таркалгонларидан кейин киргизлар ўз

жойлариги кайтиб, атрофларида бўлган мужиклар билан тамом алокаларини узиб, аввалларида килиб тургон муаммоларининг тескарисини, уларнинг илофи(акси)ни килар эдилар. Бунга мужиклар хайрон бўлиб нима сабаб бўлгани тўғрисида ўзаро ҳар хил мутолалар килар эдилар. Охири мужиклар билан тамом алока килмаслик йўлида ҳар хил чорикорлик ва қўшчилик киладиган киргиз камбагалларини буюриб, мужикларга чорикор ва қўшчи тушмайдиган килдилар: балки ўтганда, мужикларга кошхи бўлиб ишлаган меҳнаткаш-деҳконлар, мужиклар билан алока килмасликлари учун қарздорларнинг қарзларини узиб қўйиб, асло мужиклар билан борди-қелди килдирмай қўйгон эдилар. Буни қўрган ва билган мужиклар умумий киргизлар ичида инкилобий ҳаракатни сезиб, тегишли жойларга махфий хабарлар берган эдилар ва доимо ўрталарида бўлиб қелгон муаммалотларни, алокаларини қамайтира бошлаганларини, балки билкул ўрталарининг бузилишини, якин қунларда ҳукуматга қарши исён қилишларини юқорига ёзар эдилар. Улар қўркишиб, ўз атрофларини маҳкамламок ва қечалари ўз қишлоқ қосёлқаларини қойламок ҳаракатида бўлар эдилар.

Йикчи эшон бўлса ўша қундан бошлаб ўз якин одамлари ва мурид-мухлисларига ўз муддаосини ёзиб ва ҳар қим берса, шу мужикларнинг киргизларга зулми ва жаҳонгир Романов авлодининг умумий қрли халққа қарши қилгон итoб ва хитoблари, ҳoқим, қристуфларнинг қилган таҳқирларини баён қилиб, ҳамон, умуман халқни Чор салтанатига қарши исён қилариш ва умумий бир инқилоб тугдириш мақсадида жиҳодга тариб ва ташвиқ қилиб, бу тўғрисида оёт ва ақоқислар баён қилиб, халқни ўзига ёр қилмок фикри ва ҳавасига тушгон эди.

АНДИЖОН ЯНГИ ШАҲАРИДАГИ СОЛДАТЛАРГА ХУЖУМ

1898 йил, 11 қавзoда қоршанба қуни бутун Қўгарт элатиялари қамъ бўлиб, қатта бир йигин қилдилар ва таҳминан 200 қишини Мингтепа ва эшон ҳузурига юбориб, қатталар орқасидан қормoққа ваъда бердилар. Булар Мингтепага қелиб: “Қани, қирим, ижозат беринг, ваъдангиз вақти қелда, қунки ваъдақиз ушбу ойнинг шу қунига эди. Қатталаримиз ҳам эрта-индин биздан ҳабар бўлса, қеладилар”, деб эшонни шоширдилар. Эшон шошиб қолиб, аввалларда ҳабар қилгон қамoат қатталарига дарҳол, ҳар тарафга, “қеласи қоршанбага тайёр бўлинглар”, деб ҳат юборди ва Андижон шаҳридаги баъзи эътимoдлик ошноларига ҳат ёзгон экан, булар қўркиб, ҳатни дарҳол қуйдириб, ҳеч қилмаган қиши бўлиб юрганлар.

Эшоннинг Мингтепадаги ҳонақохи уқ-тўрт қун ичида одам билан тўлиб қолди. Қетмoнтепа ва Қўгарт тарафидан қеладиған одамлар майдақларини юбориб, қатталари одам тўплаб тургонлар ва қоршанба қуни қелишга тайёрланадилар.

Шу ўртада сешанба куни бўлиб, Эшон ниҳоят шоҳиб колгон холда хонакоҳида 500дан оширок ўзбек, киргиз йигилгон эди. Энди бу гап шойи бўлиб кетди. Ушбу кундан колмай жўнасақ бўлади. Андижонликлар ҳам тайёр, мунтазир. Агар ҳукуматлар хабардор бўлиб колсалар, ишимиз йўқдир, деб Кўгарт довониға икки кишини чакиртириб, киргиз катталарига “бизлар ушбу кун номозшомни ўкиб отланамиз, бизга карашлилар тездан одамларни тўплаб, йўлга чиксунлар! Асака ёнида топишармиз”, деб хат килди.

Бу одамлар хатни олиб, Кўгартга чопиб кетдилар. Кечкурун етиб, хатни киргизлар каттаси Чибел бўлисиға бергонда у киши: “Ҳазрат эшон бу тарафга караб юрсунлар! Аввал бу тарафдаги мужикларни жой-жойида босиб олиб, тамом килиб, кейин Андижон шахриға юрамиз”, деб одам чоптирди.

Буларнинг хабари келгунча эшоннинг хонакоҳида тўпланган беш юзга якин одам тўпалон килиб, эшонни олиб чикиб, ок кигизга солиб, кўтариб, такбир айтишиб, галва килиб юбордилар.

Ниҳоят, тўпалон кучайиб кетди, асло таваккуфнинг иложи бўлмай колди. Бирдан сўфилар эшонни хол-жониға кўймай, Дулдул номли бўз отиға миндирдилар. Хонакоҳни айлантриб, зикри-камў килиб юбордилар. Мингтепада киёмат барпо бўлиб, хамма хотин-халаж, эркак кўчаға чикиб, “Эшон хон кўтарилди!” деб шойи килдилар. Хуфтон вакти эди, бирдан хар ким кўлиға тушган нарсани олиб, кимдир пичок, кимдир шоп, кимдит таппонча, кайсилари милтик, хулоса хар ким топган нарсасини олиб, тахминан олти юз чамаси бўлган киши шахарға караб жўнаб колдилар. Мингтепа ахли ва хонакоҳдаги одамлар маст кишидек хайратда, очик-чочик колавердилар. Булар кечаси билан юриб, эрта сахар Андижонға, Чокандаға келдилар. Чокандада бир оз тўхтаб, кейин янги шахарнинг шимол тарафи билан юриб, алхол вайрона исми билан машхур жойлар эди, аввал хаммаси иморатли махаллалар бўлиб, янги шахардаги солдатларнинг туирадигон жойларига бир чакирим ҳам келмас эди, шу ерга келиб, кўчада тургон бир коровулни ушлаб олиб: “Бизни солдатлар ётадигон жойға олиб борасан!” деб турган вақтда, оркаларида колганлари “Афгонбоғ ” деган имтихон боғиға кириб, ичидаги имтихончи тўрани ўлдириб, тугларини конға бўяб этиб келдилар ва эшонға тугни конлагонларии айтдилар. Унда, бечора коравул кабул килиб солдатларнинг ётадиган жойларига бошлаб кириб ўзи кочадир. Сўфилар бирдан отдан тушиб катор-катор ухлаб ётган солдатлар устиға ўзларини ташлаб, кайсилари бўғиб, кайсилари пичоклаб, кўлидаги шоп билан чопиб, баъзилари калтак билан уриб овора бўлиб турганда, иккинчи каторда, ичкарида ётгонлар уйғониб коладилар ва баъзилари милтикларини олиб, бирдан ота бошлайдилар. Милтиklar отила бошлагандан сўнг булар токат кила олмай, тўпалон килиошиб оркаларига кайтадилар. Андижон эски шахарига тонг отган вақтда

кириб, бозор ичида: шаҳарни олдик ҳозир қарнайчи топиб, шаҳар Йикчи эшонники, деб жарчига эълон қилдирамиз деб туриб, яна тоқат ва бардош қила олмай, бирдан қочдилар ва эрта билан соат олти, намоз вақтида эски шаҳар, Қорабура тарафи билан ҳувойиб чиқиб кетдилар. Буни кўрган шаҳар халқи хайрон бўлиб, нима ҳодиса эканидан воқиф бўлмай қоладилар. Эшон янги шаҳардан қочганида ва Чокандга қараб қелаётганда баъзи сўфилар отларини кўчага ташлаб, Чоканддаги боғларга кириб бекиниб қолдилар. Эрта билан Чоканд аҳли боғларда буларни кўриб, аҳволни билиб, кўркқанидан аскарларига эски тўнлар бериб, саллаларини қуйдириб, мардикорларга ўхшатиб ишлатиб қоладилар. Эшон билан эски шаҳардан қочганлари Қора дарёдан кема билан ўтганча ҳар қайсилари ўз жонларини сақлаш фикрига тушуб, тўғри қелган томонга қочадилар.

Эрта билан соат саккиз бўлганда, янги шаҳарда руслар (хоҳ амалдор, хоҳ фуқаро) тамоми кўриб, ҳеч қим уйдан қикмай, маҳкам қамалиб турдилар. Ҳаммалари гўёки тамоми мусулмонлар муттаҳид бўлиб, “Миллий муҳораба” қилган эканлар, ҳали тўпланиб чиқиб, ҳаммамизни ўлдирсалар қерак, деб ваҳм қилиб жой-жойида бекиниб қолдилар.

Агар эшон, эски шаҳарда тўхтаб, соат саккиз-ўнларгача турса эди, авбош тўпалон бўлиб, эҳтимол, халқ тўпланиб кетиб, “Миллий муҳорабаси” бошланса эди. Чунки у вақтларда умумий халқ Россия ҳукуматининг қулмидан ниҳоят безор бўлиб, қўзғолишга ҳеч қўрсат тоқполмай қўрар эди.

Фуқаро мундан беҳабар, соат саккиз эди, бозорлар ҳар қўнгидек очилиб, ҳамма ўз тирикчилигига машқул бўлди. Соат 9 ларда шўҳрат бўлдики, Йикчи эшон шаҳарга ҳўжум қилиб, тамоми солдатларни ўлдириб қикиб кетибдир, деб, бу ҳабар тарқалқондан кейин эски шаҳарнинг қатта оқсоқоли Қолбақодир мингбоши Рўзадор (бий) ўғли эски шаҳар аҳволотини янги шаҳарга ҳабар бермок ўчун отланиб қикиб кўрдики, янги шаҳарда ҳеч қим йўқ: тўғри ўезд маҳкамасига борса, ўезд ҳоқими полқовник Қайшовский уйида кўчага қараб турибди: “Эй, старший оқсоқол! Шаҳарда нима гап, фуқаронинг феъли қандай? Нима бўлади?” деб савол қилди. Қатта оқсоқол дарқол “шаҳар тинқлик, ҳамма ўз иши билан машқул, тамоми дўқонлар очилган” деди. Ундан қийла қўнғли тасқин топиб қикиб, кўришиб, ҳаммага ҳабар қилиб тўпландилар-да, қазармадан ҳабар олсалар, 23 солдат ниҳоят ҳўнўқ қолда ўлиб ётибди. Тўрт қиши, саллалик эшоннинг сўфиларига ҳам ўқ тегиб ўлиб қолибди. Муни кўриб истибдод қолимларининг қаҳри ва қазоби зиёда бўлиб, тамоми шаҳар халқини қилиқдан ўтқазмокхи, Андиқоннинг тўпроқини оқмонга совурмокчи бўлиб, дарқол “сим”га телеграм бериб, қодисани маълум қилди ва аскар қакирди. Ўч соат ўртасида аскар этиб қелди. Буни кўриб, қатта оқсоқол шаҳарга тушиб, бир соатда ҳаммани тарқатиб, одамларни қочириб юборди. “Эски шаҳар отилиши эҳтимоли бор” деб ҳабар тарқатди. Ҳамма бир соатда дўқонларини берқитиб, тарқалиб кетди. Мусулмонларга умумий бир даҳшат тушиб, истибдодчилар қулмининг ваҳми

катта-кичikka баробар каттик кора кун тигилди, зўр паришонлик ва изтироб юз келтирди. Бу воқеа золимларнинг зулмига йўлни кенгайтирди.

КАТЛИ ОМ

Андижондан Маргилонга хабар борган он Фаргонанинг харбий бошлиги Чайковский 250 нафар аскар билан келиб янги шаҳардан бошлаб кўринган мусулмонларни отмокка амр килди. Ўшал кун неча минг мусулмонларни бегунох отиб, конини тўкди. Хусусан, беихтиёр ва бу воқеалардан беҳабар ишламакка чиккан дехконларни ва меҳнаткаш камбағалларни беҳад-хисоб отиб юборди. Неча минг бола етим ва юзларча хотинлар бева колди. Шундан кейин Андилон ичидаги мингбошиларни чакириб, тезлик билан эшонни кувиб чикиб, тутиб келмокка буюрди. Амалпараст мингбошилар хар кайсиси неча-неча минг кўппакларини ёнига олиб, хар тарафга эшонни излаб кетдилар.

Кайсиларига йўлда саллалик ва ок тўппилик киши учраса, боглаб шаҳарга юбордилар.

ОК ТЎППИ ИЛА САЛЛА ФАЛОКАТИ

Ўша вақтда кимлигидан катъи назар, ок тўппи кийган бўлса, истибдод солдатлари: “Сеники эшон”деб тутуб урар эди. Ёки салла кўйган киши учраса, уни албатта Йикчи Эшоннинг муриди гумон килиб, тутиб сўроксиз камар эди. Шунинг учун шаҳар меҳнаткашларилари ва расмий фукаролари ҳеч салласи билан бозорга чиқолмай колди. Ок дўппи деган нарсанинг уруги колмади. Кимда бўлса, куйдириб йўкотди. Мингбошиларнинг дунёпарастлиги кўзгалиб, шаҳарда кимнинг жойи бўлса, кечаси чакириб бориб: “Сени тутиб бераман, эшоннинг ховлисига борган эдинг”, деб сиёсат килиб, бор-йўгини сугуриб олдилар. Порахўрлик амалдорлар ичида ниҳоят авж олди. Беҳоралар кимга арз киладир? Бечораларнинг додини сўрайдиган ҳеч киши йўк эди.

Мингбошиларни эшонни тутмокка юбориб, ҳокимлар канча аскарларни Мингтепага эшоннинг ховлисига жўнатдилар. Йўлда боргунча ким учраса отиб ўлдириб, эшоннинг ховлисига етиб, дафъатан атрофини ўраб, тинтув кила бошладилар. Эшоннинг қочган хабарини эшитиб, хонақоҳида ҳеч ким колмади, хатто бола-чакалари ҳам бошка жойга қочгон эканлар, ҳеч ким топилмади. Лекин хонақоҳида ҳеч нарса қўймай тамом олиб ва печатъ килиб, жонар вақт — Мингтепада уч соат отиш килдилар. Бу уч соат ичида

солдатлат ховлидан-ховлига юриб, ким кўринса отиб ўлдирдилар. Муддат битганда, эшонга карашли нимаики бўлса олиб, шаҳарга келдилар. Ашё жумлаидан бир хос сандукда кўп хатлар бор экан, буни ҳам олиб келиб таржима килиб кўрсалар, тамомиси хар кимдан борган дуойи саломлар экан. Бу дуоуи саломлар кимдан бўлса, дархол шу одамларни тутмокка амр килинди. Шунинг учун Андилон шаҳридан кўп фукаралар камалдилар. Тўрт-беш кун ичида атроф ва камоклардан ва орка тоғлардан бенихоят кишиларни тутиб келиб, каматилди. Камокхона тўлиб, бошка жойларни ҳам янгида хибсхоналар килинди. Бунгача Туркистондаги бор солдатларни йигиб келдилар. Хар кун эски шаҳар кўчаларида тўп-тўп аскарлар юрар эди ва кўрган кишини уриб чопиб кетар эдилар. Бозордаги дўконларнинг кўпини синдириб, талаб олар эдилар. Вакт жавзо (май) ойи бўлгани учун авахталардаги Элатия катталари йўгон ва семиз одамлар иссиглаб, бўгилиб ва очликдан хар кун тўрт-беш одам ўлар эди. Бунинг устига, Фаргона губернатори келиб: “Агар эшон тездан тутилмаса, Андижонни уезди билан тамом отиш (катлиом) киламан!” деб буйрук чикарди ва “Агар шаҳар ва кишлоқ отилмасин дейилсалар, эшоннинг сўфилари билан кўплашиб тутиб берилсун!” деган буйругини шаҳар ва кишлоқ кўчаларининг деворларига ёпиштириб қўйилди. Бу ходисадан тўккиз кин ўтиб эди. “Эшон қўлга тушди”, деган хабар эшитилиб қолди.

ЭШОННИНГ ҚЎЛГА ТУШУВИ

Йикчи эшон кочгандан сўнг, Кетмонтепа Элатия ичига караб кочиб, уч-тўрт кун тоғлар ичига йўл билмай айланиб юриб, оири ёнида уч кишидан бошка одам қолмай, Арслонбоб атрофларида юрган экан, буни баъзи одамлар кўргонлар. Сўроглаб боргухи – Қўкон кишлоқ мингбошиси Кодиркул билан бозор сарқори Яъқуб кўрбоши деганлар шу Арслонбоб тарафига излаб чиққан эдилар; бошқалар бўлса, боша тарафларга Қашқар довонигача тўсиб боргон эди.

Арслонбоб тарафига излаб юргувчи Яъқуб кўрбоши билан Кодиркул мингбошига одамлар эшонни шу тарафда кўрганларини айтганлари учун Арслонбобга якин Тошқўприк деган тор ёлни тўсиб турганларида, Эшон ўша ёлдан бориб Тошқўприк устида учраб қолгон. Дархол Яъқуб кўрбоши: “Эй, таксир! Ман сизни кутиб турибман, ёрдам қилмок учун” деб отдан ўзини ташлаб қўрихмокчи бўлиб юрган, эшон ҳам отдан тушиб, йиглаб кухоклашиб қўришган вақтда, эшонни қўтариб тагига босиб олган ва одамларни чакириб, боғлаб олганлар. Орқасидаги уч одамни ҳам тутиб, тўртовларини боғлаб қўйганлар. Кодиркул мингбоши дархол етиб келиб, эшонни қўриши билан: “Хотин-талок! Хаммани хонавайрон қилдинг-ку!” деган. Эшон буларга: “Икковинг ўлар вақтда жинни бўлиб ўлгин! Бизни русга тутиб берган қўлларинг билан ўзингни уриб, сўққан оғзинг билан ўзингни тишлаб ўлгин!” демакдан бошка ҳеч гап айтмаган.

Кодиркул мингбоши, дархол Андижон ҳокимига “эшонни тутдим” деган хабарни юборган.

Мана бу, эшонни тутулган хабари Андижонга етганди кейин, ҳоким бир тўп солдатларни юборди. Унгача булар эшонни аравага уч одами билан боғлаб олиб, шаҳарга жўнадилар. Йўлда дарёнинг ёнида солдатларга рўбарў келдилар, улар аравани ўртага олиб: “Эшон. эшон” деб милтик текизса, Йикчи эшон бошини кўтариб: “Эшон деб чакирма! Мухаммадали дегил!” деган. Бундан бошқа ҳеч нарсa демаган.

Кора дарё кўпригига келиб тўхтаганларида, шаҳар ичига уезд ҳокими хабар килдики, фукаролар чикиб эшонни томоша килсунлар. Соат ўн ва эрта билан бўлса ҳам, кўрқиб, ҳеҳ ким чикмаганда олиб ўтиб, янги шаҳарда хибс килинди. Таажжуб шундаки, ҳокимлар ва тўралар бу эхондан неча кун хаёт турган бўлса-да, бир огиз ҳам маълумот ва жавоб ололмадилар. Харчанд сиёсат килдилар ва гап сўрадилар ва бу хужум исёнга далолат килгувчиларни сўрадилар, ҳеч кимни кўрсатмади, мустабид терговчиларни доғи хасратда кўйди. Эшонни тутгувчи Кодиркулни эски шаҳар Андижонга оксокол килишди ва ёрдам берган Яъқуб кўрбошини Кўкон кишлокка мингбоши килиб, неча йилдан буён халк фойдасига хизмат килиб келган Холбаходир мингбоши ўрнидан бекор килинди. Кодиркул мингбоши шаҳарга катта оксокол бўлган ҳамон шаҳарда зўр иморат килиб, бечора халкни ишлатиб бир ой ичида тамом битирди. Хар кун борган кўй ва тортик ва ёрдам пулларнинг ҳисоби йўк эди. Эски шаҳарни тинч саклаб туриш ихтиёприни тамом бу кишига топширгани учун бу фукароларга зулмни беҳад жорий килди. Биров энгашиб салом килмаса, тутиб тўхтатмокни бу киши чикарди. Бундан ўрганиб рус амалдорлари ҳам халкни “рукуъ ” билан салом ва “сажда” килдирадиган бўлдилар. Бечора халк шапкалик кишининг соясини кўрса ҳам ўрнидан туриб сажда килишга одатланиб колди.

АСИР БЎЛГОН ВА КАМАЛГОН БЕЧОРАЛАР

“Эшонга карашли” деб кимни тутиб борсалар, бесўрог каматилар эди. Хусусан, тоғлардан Элатия катталарини ушлаб келиб, харбия бошлиги хар кун беш-олтисини турмадан олиб чикиб ўртага ётказиб калтаклайдилар. Узун камчи сопидай тут-айрагоч шохлари билан бандиларни олиб чикиб, солдатлар ўртасида ялангоч килиб, дўнг ётқизиб, тўрт солдат босиб турадилар. Тўрти ўшал калтаклар билан оркасига урадилар. Агар калтак синиб кетса, бошкасини олиб турадир. Кирк-эллик марта урганха “дод” деб турадир, бундан сўнг овози чикмай беҳуд бўлгондан кейин иккинчисини ётқизадир, бошқалари караб турадирлар. Шу хилда ҳаммасини уриб бўлуб, ўлгани бўлса, боҳка кўюб, тирик бўлса, зўр билан юргизиб турмага олиб кирадилар.

Бир куни сиёсат юзасидан ҳамма шаҳар халкини мингбошилар воситаси билан, асирларни клтаклаганини кўрсун деб, ҳайдаб чиқилди. Ман ҳам одамлар билан чиққан эдим. Тўғри турманинг олдига олиб бориб, халкни катор килди. Кейин турмадан беш кишини олиб чиқиб, уларнинг атрофига одамларни айлантириб қўйди. Бу бечора бандиларни ўртага олиб келиб, бир канча дошном билан тўн-қўйнагини йиртиб, тортиб эчди. Иккитасини милтик кўндоги билан уруб ётқизиб, қўл-оёгини солдатлар босиб туирди. Бунинг устига, мўйсафид хоин губернатор Чайковский келди. Бандиларга қараб: “Сизлар подшоҳ аъзамнинг катталигини билмас эдингизларми? Подшоҳнинг ўгли ҳукмида бўлгон аскарларига шундай муомала қилмоқни ким ўргатди?” деб сиёсат қилди ва солдатларга: “Ур!” деб буюрди.

Солдатлар тўплаб қўйгон узун қалтаклардан олиб, бирдан савалаб ургали бошлагонда, бечоралар: “Дод!..” деб оламини буздилар. Бири: “Эшон билан бирга бўлмасамда, тавба қилдим!” деб қичқирди.

Урулганларнинг орқалари ёрилиб, гўшtlари узулиб тушди. Ҳушидан кетган вақтда: “бас, тургаз!” деб эди, солдатлар “тур” деб бошига тепганда, бири турмоқка кодир бўлолмади. Иккинчиси “ё, пирим”, деб турмоқка ҳаракат қилиб эди, губернатор “нима дейди” деб, таржимондан сўради, таржимон: “Эшондан ёрдам тилайдир”, деганда, қазаби келиб: “Ётқизиб яна ур” деб буюрди. Янадан урмоқка бошлади, орқасидан гўшtlар узулۇб тушди. Иккинчи турмоқка қудрати етмагач, солдатлар судраб чиқиб кетган ҳамон ўлди. Бу ҳолни кўрган бандилар: “Эй улуг ҳокимимиз, арзим бор, эй губернатор тўра, икки оғиз арзим бор”, деса, ё бир товуш чиқарса, тўрт солдат бўйнига таккан довул ногорасини қалиб юборадилар. Асло сўзни эшитдирмайдилар. Буни кўриб бечоралар бизга қараб йиглаб турар эдилар, шу ҳолда эдики, иккисининг ҳушлари кетиб йиқилишди. Буларни солдатлат судраб қириб, ўрнига бошқа иккисини олиб чиқдилар. Ҳосили – халқ қошида олти кишини уруб, баъзисини ўлдириб, баъзисини беҳуд қилиб кейин халққа бирмунча сиёсат қилиб, “Подшо аъзамга осий бўлганларнинг жазоси шу бўладир!” деб жавоб берди ва “12 киши осийлардан оқилайдир. Ҳамма халқ чиқиб томоша қилсун!” деди. Халқ бирдан туруб эски шаҳар томон жўнади. Йўлда, чиққанларига пушаймон бўлۇб, ҳеч қимда сўзламоққа мажол йўқ эди.

ДОР ТАГИДА

1898инчи милодий, 15-инхи жавзо эдики, эшон игтишосини баҳона қилиб, шаҳар ва ез (шимолдан Еттисув, гарбидан Ёзиёбон, жанубдан Водил, шарқдан Қашқар девони ўртаси)дан икки минг киши қаматилгон эди. Булар ичида ақсарият қирғизлар бўлиб, ўзбек, қозоқ, қипчоқ, қорақалпоқ, тожик, уйғур ва бошқалардан ҳам “исёнчилар” деб

ушлаганлар кўб эдилар. Булардан анчагинаси юкорида айтилганча калтакланиб, урулуб, ўлдирилдилар ва бир канчасини осиб ўлдирих учун 8 та дор курдилар. Бу дорлар 8-9 газ ердан баланд бўлиб, тепасига галтак ўрнаштирилгон ва ўшандан кора аргамчи ўтказилиб кўйилгон эди.

Бир кун эски шаҳардан “Тамом фукаро янги шаҳарга чиксун, эхоннинг сўфиларидан 8 киши осиладир” деб, хаммани мажбурий хайдаб чикдилар. Муддаолари фукарога сиёсат кўрсатмак, уларнинг юракларида кўркинч колдирмок ва истибдод салтанати тахтида узун замонлар беташвиш баркарор колмок эди. Бу сафар “томошо”га мажбурий чикканлардан бири хикоя киладирким: “Бизларни бозордан ва маҳаллалардан катта оксокол фармойиши билан миршаблар хайдаб, тахминан 500 кишини янга шаҳар крепости(кўргон) тагига олиб бориб эди: карасак, адир тарафига 8 та дор килиб, аргамчиларни тортиб тайёр килиб кўйгон экан. Бу холда турмага 50 га якин солдатлар ўлан айтиб кириб 5 та мусулмонни хайдаб чикди. Бечораларнинг ранги-рўйига асло караб бўлмайдир. Бирини таниб колдим, янги шаҳарда солдатхона рўпарасида бакколлик килиб ўтургон Рустамбек деган кихи эди. Биз фукароларни тикилган дорлар атрофига айлангириб коюб, аввал беш кишини нихоят газаб билан ўртага олиб чикиб, дорнинг тагига олиб келдилар. Буларнинг холини асло баён килиб бўлмайди, бечораларнинг ихтиёри ўзида эмас, сўзламокка мажоллари хам йўк эди.

Камалганларига анча кун бўлгн бўлса, овкат эмаганлари хам маълум эди. Дархол бешта ок сурупдан килингон халта олиб келдилар. Бир мутакаббир “тўра” кўлига ярим тахта когозни олиб, нихоят ковогини солиб ўкиди. Таржимон шу тарика таржима килдики: “Сизларнинг подшохи аъзам, импратур муаззам аскарлари борасида килгон хамла, хужумларингиз ва бу исёнга сабаб бўлгон Мухаммад Али Эшоннинг импратур аъзамнинг улуг сиёсатидан кўркмай килгон феълига шерик бўлиб, ёрдамда бўлгонларингиз сабаб бўлди. Сизларнинг бешовларингизни харбий суд осиб ўлдирмокка хукм килди. Алхол, сизларга шу хукм жорий килинадир”, деган хамон солдатлар бирдан килихларини сугуриб, пешоналарига тутиб, ярим соатга якин ногораларини чалиб турдилар. Халиги халталарни кийдириб, дорнинг тагига кўйилгон курси устига этаклаб келиб чикардилар. Бўюнларига дор аргамхисини солиб, оёк остидаги курсини тепиб юбордилар. Хар беши хам осилиб колиб, тахминан икки минут айланиб харакат кила туриб, кейин кимирламай колишди. Андак тургондин кейин бир духтур келиб, осилиб тургон бечораларнинг корнига кулок солиб, кейин бир нима деб кўйди. Солдатлар келиб, аргамчини бўшатиб, ўликларни дорнинг ёнига кавлаб кўйилган чукурга тепиб тушуриб, устига курак билан тупрок тортиб кўйди. Буларни кўмуб хотиржам бўлгондан кейин, губернатор фукароларга караб, ок подшохни бир мунча мактаб, “импратур аъзам казо ва казо!..”деб охири: “Бу кўрилган сиёсатни кўрмаганларга баён килинглари, хар ким исён килса, мундан баттар бўладилар!” деб халкка жавоб берди. Йўлда келатуриб, шулар каторида осилгон Рустамбек магазинчи хусусида сўзлашиб, бу киши умуман эшонларга беихлос, эшонларни суймайдиргон киши эди. Нечун Йикчи эшонга кўшулгон экан, деб сўрагонимизда, бу ишнинг асладан хабари бор бир киши Рустамбекнинг айби ва гуноҳи солдатларга насия килиб, пулини кистагонидир, деб жавоб берди.

Бу ходиса шундай бўлгон: Рустамбек бир неча вақтдан бери янги шаҳарда дўкондорлик киладир. Ҳукуматнинг тўра ва солдатларига ойликларини олганча насия мол, овкат бериб турадир. Улар ҳам қачон ойлик олсалар ва пул торсалар, бериб турадирлар. Солдатлардан насия мол олиб, пулини бермаганлар иккинчи насия сўрагонда, Рустамбек бермайдир. Шунга адоват қилиб юргонлардан бир нечаси Рустамбекни тегирмон қилиб, тургон жойидан тутиб келиб қамаб, эртасига дўконни очиб, талаб, ўзини “Кеча эшон билан бизларга ҳужум қилгонда таниб қолгонмиз” деб остириб юборадирлар. Бўлмаса эшон қирган кечаси тегирмонда анча киши қўрган ва харчанд гувоҳлар қўрсатса ҳам қабул қилинмайдир...

ИСТАРШИЙ ОКСОКОЛ

Андижон эски шаҳари учун бирта мингбоши бўлур эди. Бу мингбошини чор ҳукумати ўз буйруғи билан яхши хизмат киладиргон жобир ва золимлардан тайин қилар эди. Мана шуни “истарший оксокол” дейилар эди.

Йикчи эшон солдатларга ҳужум қилиб қочгандан кейин “қайси мингбоши ҳох фуқаро бўлсун, ҳох бошқа... тутуб келса, Андижон шаҳарига истарший оксокол қилинур” деб ваъда берилган эди. Бинобарин, ҳар қим амалпараст бўлса, эшоннинг орқасидан қувлаб кетган ва Қўқон қишлоққа мингбоши бўлуб тургон Қодирқул ушлаб қелгани учун шаҳарга қатта оксокол қилинган эди.

Эшонни тутиб қелгандан кейин ҳукуматдорлар Андижон шаҳар ва уездининг фуқаросидан ниҳоят ҳавфланган эдилар ва “Эшон билан ҳамма фуқаронинг маслаҳати бир, албатта, булар бир қун эшоннинг орқасидан ҳужум қилсалар керак”, деб эшонни неча қабат қанжирлар билан қоллагон эдилар. Шунинг учун эски шаҳарни муҳофазат қилиб туриш ихтиёрини қатта оксоколга бериб, шундай таъқид қилдики: “Эски шаҳарни эҳтиёт билан сақлаб турасан! Эшонга қорди-қелди қилгон одамлар бўлса, ҳаммасини суриштириб тутуб берасан! Умумий фуқароларни қайси қил қиёсат билан бўлса-бўлсун, Русия қоршоқига тобеъ ва қутеъ қиласан! Русия амалдорлари эски шаҳарга тушсалар, ҳамма фуқарони ўрнидан туруб, энгашиб қолм қилмоққа ўргатасан! Дўқондор ва қастадақилар бўлса, ҳаммаси бўлсун, қолқим, қорстав, қосили, қайси амалдор бўлса-бўлсун, эски шаҳарга тушса, қаммалари дўқонларининг олдиға тушиб, қатор бўлуб, энгашиб, қолм қилиб турсинлар! Қуллалар ва қударрислар бўлса шогирдларига Йикчи эшондан шикоят қилиб, қни ёмонлаб турсинлар! Ва қмақабдорлар бўлса, қайда қолаларға “эшон осий бўлди, қогий бўлди” деқан гапларни ўргатсинлар! Аълам муфтилар бўлса, “Йикки эшоннинг осий, қогий бўлқони учун тездан ўлим қазосига муқтаҳик бўлмоқи шариятда ҳам қуруст” деб қатво берсинлар! Адиб ва шoirлар Йикчи

эшоннинг тамом килгон ёмонлиги ва хийлаларини шеър (байт) килиб газитга юборсунлар! Агар хар ким бу хусусда килгон сиёсат жабриндан арз килса, биз у аризачининг ўзига жазо берамиз!” деб. Кўлига приказ ва мандат килиб берилди ва хар кунги воқеаларни билдириб турасан, дейилди.

1898-нчи милодийда, хануз Йикчи эшон камокда тургонда “унга карашли ёрдамчилар”, деб, ўзбек, киргиз, кипчок, коракалпок, кашкарлардан хар кун нечтасини тутиб келиб, осиб, канчасини калтаклаб ўлдириб турадир. Ўлганлар ўрнига атрофдан одамларни тутуб келиб турадир. Шахар ниҳоят бесаранжом бўлуб, хавфда бўлгон вақтда янги тайин бўлгон катта оксокол Кодиркул (шахар мингбошиси) кўча-кўчага миршаблар кўюб, махаллаларга одамлар юбориб, хар масжидда, имом бошлик тамом кавм ва ахли махаллаларни олдириб бориб, “беда бозори” деган яланг ва кенг жойга неча минг кишини саф-саф килиб кўюб, ҳокимдан эшитган гапларини фукарога айтиб, сўзининг охирида: “Агар кўчаъ-кўйда ҳоким, пристуф ва тўралар сизларга рўбаро келса, дархол рукуъ килиб, салом киласизлар! Ва расталардан ўтуб колса, хаммаларингиз дўкондан баробар тушуб, мана шу тургонларингиздек катор бўлуб, растадан ўтиб кетганча энгахиб, салом килиб турасизлар! Чунончи, ман саломни сизларга ўргатмак учун чакирдим.

Мана, ман ҳозир “Ташла!” дейман, баробар намозда энгашгандек ташлайсиз”, деб, бир четга бориб “Ташла!” деб шовкун соладилар. Бечора халк баробар хайит намозида ёки жумаъ намозида рукуъ килгондек энгашадир. У четга бориб, “Тур!” деганда хамма баробар турадир. Яна “Ташла!” деган хамон баробар энгашадир. Агарда бирон киши баландрок турса ёки паст бўлуб кетса, югуриб келиб бу одамни дўппослаб, уруб-тепиб, сўкиб, “баробар тургил” деб танбех киладилар. Яна “Ташла!” дейдир, халк энгашадир.

Алхосил, бечора фукарони 20 мартаба “Ташла!” деб рукуъ килдириб, кейин: “Хамма вақт шундай баробар энгашиб турасизлар! деб жавоб берадир. Эртаси яна бошка махалла одамларини имомлари билан чакириб, шу таълимни киладир. Ўртада неча мартаба халкни уруб, юзларига нопок огзидан тупураб эди.

ЯРИМ ПОДШОХ

Бу таълим ва саждага одат килдирмокдан муддао нима десалар, якин кунларда бу ходисанинг устига Туркистон вилоятининг генерал-губернатори болгон нобакорким, умумий Туркистон фукарolari ярим подшоҳ дер эдилар ва номи А.М.Духовский эди, хамма тараддуд шунинг учун экан.

Бир неча кун ўтгандан сўнг “ярим подшоҳ келадир”, деб, ҳамма кўчаларга байроқ тутуб, шаҳарни неча кунлар зийнат бериб, ҳамма мактаб болаларини вокзалга олиб чикиб, катор килинди (у вақтда камина ҳам туземний ишколда ўқур эдим). Фукаролар кумуш табокда нон, туз, тутуб тургон эдилар. Ўезд ҳокими умумий фукароларга хитоб килиб, “Ярим подшоҳ келиб, вагондан тушган ҳамон ҳаммаларингиз таълим олгонларингиздек баробар энгашиб ерга караб турасизлар! Бошларингизни кўтаринглар десам ҳам кўтармай туринглар!” деб кўйди.

Истансага чиккан халк 2 соат кўброк интзорлик тортди. Шундан сўнг бирдан поезд кўрунуб колди ва вагонлари ниҳоят зийнатланган холда келиб тўхтади ва солдатлар тушуб, катор бўлгондан сўнг ярим подшоҳ тургон вагондан бир неча ясангон тўралар тушдилар. Кейин ўша юкорида шакли номубораги баён килингон генерал ниҳоят ковогини солиб, каттик газаб билан вагондан чикиб, пастга тушган замон бечора халк ва мактаб болалари ҳаммаси энгашиб, рукуъ килиб турди. Вагондан тушиб, тўгри уез ҳокими олдига келиб, шаҳардан ахвол сўради. У “Хамма дуо килмокда ва тинчлик”, деди. Ярим подшоҳ ҳокимдан: “Нима учун халк бундай энгашиб турадир”, деб сўради. Ҳоким: “Жаноб импратор аъзамга юртимиздан чиккан бир эшон жинни бўлиб, билмасдан осийлик килгани учун бизлар хижолат бўлуб, улуг ва баланд даражали бош ҳокимимизнинг юзларига кайси бетимиз билан караймиз, бизларни марҳамат этиб, авф килиб, подшоҳи аъзамдан гуноҳимизни сўраб олмасалар, муборак бетларига камоли хижолатдан карай олмаймиз, дейдилар”, деб жавоб кайтарди. Ярим подшоҳ дедики: “гуноҳни килиб кўюб, эмдиги хижолат нимадир? Фаргона музофатидан Андижондек бир шаҳарнинг тупрогини осмонга совуриб юбормок билан подшоҳи аъзам мамлакатларига ҳеч нукус етмайдир!” деб газабланиб, ҳокимдан сўрадики: “Неча йилдан буён бу жойга ҳокимсиз?” Ҳоким шошиб қолиб: “Тўрт йилдан бери”, деганда: “Тўрт йилдан буён лоақал ҳар йилда биртадан бўлгонда ҳам тўртта яхши ошно килмогон экансиз-да шундай хабарни аввалдан берар эди, токи тадоруки килиниб, импратор аъзамнинг 23 қаҳрамон ўғли ўлмас эди. Бунинг учун сени ўрнингдан бекор килдим”, деди (бу ҳокимнинг номи Кайшовский эди). Кейин фукарога караб: “Сизлар ҳали осий ва гуноҳкорсизлар. Сизларнинг нон-тизингизни қабул килиб бўлмайдир!” деди ва бир тўп хинд ва яҳудийлар ҳам нон-туз ушлаб турган эдилар, шуларнинг олдига бориб, нон-тузларини қабул килиб: “Сизлар ҳозирда манга сартладан кўра яхшироқсизлар” деб, аскарлар томон юрди. Биз туземной ишкол талабалари, рус домла билан 150 га яқин болалар тургон эдик; бизларнинг ёнимизга тўхтаб, “Сизлар яхши ўқуб турунглар” деб чўнтагидан бир сўм пул олдиъда, домла кўлига бериб, ёнгоқ олиб бўлуб беринг, ўйнасунлар ва подшоҳ ҳазратларини дуо килсунлар”, деб аскарлар олдуга ўтуб кетди. Кейин халк бечора маъюс бўлуб, кўркуб, таркалиб кетди.

Мана шунча кунги тайёрлиг ва рукуъларга мукофот учун шунча сиёсатлар килиб, Андижоннинг тупрогини осмонга совурмок билан халкни кўркутуб, юракларини ёрди. Мунофиклар саждасидек, мазлум халк ва мактаб болаларининг саждалари “жаноб тўрага” қабул бўлмади.

БЕСАРАНЖОМЛИКЛАР

Вактики, хоинлар бошлиги Духовский келиб бечора мусулмонларни ўзига сажда килдириб, кумуш тобокларга солиб тургон нон-тузларига карамай: “Андижоннинг тупрогини осмонга совураман, импратор аъзамга Андижондек бир шаҳарнинг тупрогини осмонга совуриб, йўк килиш билан ҳеч нукус бўлмайдир, мамлакати камайиб колмайдир!” деган сиёсатларни килди, буни эшитган халк кўркиб, уй ичи рўзгорларини ва бола-чакаларини ҳар тараф кишлокларга кочириб, бесаранжомликда колди.

Истибдод амалдорлари (элликбошидан тортиб, мингбошигача мусулмон амалдорлари)га “худо бериб”, киладиргон зулм ва таъаддиларига зўр бахона топилиб, шундай жабр-зулм килишга турдиларки, асло калам билан таъбирга келтириб бўлмайди. Мингбошига дучор бўлмагон ҳеч бир фукаро колмади. Хаммани кечалари бир-бир чакириб, сиёсат килиб бор-йўгини кокиб олдилар. Чунки эшонга карашли одамларни ҳам уруб, осиб, отиб тургон вакти эди. Хатто маҳалла элликбошилари ҳам мазлум фукарони: “Мингбошига айтаман, ропурт киламан!” де кўркутуб, ўзларига яраша бир нарса олар эдилар.

Истибдод асосини маҳкам килгунчи пристуфлар ва бошка тўра, чиновниклар бўлса, ҳар кун эски шаҳар бозорига тушуб, савлат кўрсатиб айланиб юрар эдилар. Кўча ва расталардаги халкни ўзларига салом килдирмок балосига мубтало эдилар. Ким салом килмаса ёки дўкондан пастга тушуб кўл ковуштириб турмаса, дарҳол устига бориб: “...Эшон!” деб кўлидаги палка (таёк) билан бошига солар эди. Мазлум халк бу хорлик ва разолатни кўриб: “Тавба килдим, тўра, ман кўрмай колибман” дер эди; кўпрок тавба килиб, илтижо килғонида раҳм килса, кўяр эди, бўлмаса, палиска чакириб, турмага – камокка юборур эдилар.

ХУКМ КУНЛАРИ

Эшон ушланиб, ниҳоят ҳақорат ва таҳкир билан бир кора аравага боғланиб, эски шаҳардан ўтган вақтда ҳамма халкни мажбурий кўчага тургузиб кўйдилар. Солдат ва амалдорлар аравани ўртага олиб секин-секин юргизиб, ҳар жойда 5-10 минут тўхтаб: “Йикчи эҳон шу одамми? Танигон одамлар бўлсалар, айтсунлар!” деб фукародан сўрар эди. Эшонни кўрган ҳар ким ерга қарайдир, эшонга карамайдир. Чунки эшон таниб

сўрашуб колмасун деб кўркадир. Ўша йилда эшонни бориб кўрмаган одам Андижонда кам колгон эди. Балки ҳамма кўрган деса бўлур эди. Золим тўралардан кўркуб, ҳеч ким эшонни танитайди. Кимни тутуб, эшон шуми, деса билмайман жавобини айтадур. Кўп киши танитаймиз жавобини бергандан кейин мустабид золимлар хавфга тушуб, бу киши эшон эмасмикин деб ташвиш килар эдилар. Охири эски шахар истарший оксоколига буйрук килдиларки, Йикчи эшонни танийдиргон одамлардан 4 кишини чакирсун, эшонни таниб, билиб берсун, деб. Шахар оксоколи бу буйрукни олгондан кейин, эшонни танийдиргон киши борми, деб шахардан киши ахтарди. Ҳеч ким кўркуб “танийман”демади. Охири мажбуран тўрт кишини олиб, оксоколнинг ўзи чикиб: “Сизларга ҳеч гап йўк, ман сўраб оламан. Сизлар “эшон шу одам” деб кўярсизлар”, деди.

Улар янги шахарга чикиб, ҳукуматдор ва амалдорларнинг мусулмонларга ёмон караганидан кўркуб, ваҳм олиб, инкор килиб, бизлар ҳеч вақт эшонни кўрмаган бўлсак нима деб биламиз, эшонни билган одам бўлса бўлур эди, деб арз килдилар. Уез ҳокими: “Сизларга ҳеч гап йўк, кўркманглар, ҳарбий судларга “шу эшоннинг ўзи” деб кўйсангизлар бўладир. Башарти бу эшон бошқа одам бўлмаса, деб тўртовини турмада эшонга рўбарў килгонда, тўртови ҳам равшан билиб “эшон шу киши эди” деб кўйдилар. Кейин буларга жавоб берилди.

Бу чиккан гувоҳлардан бири Мирза Масъуд деган киши эди. У шундай хикоят киладирким: “Бизларни маҳкама олдига олиб бориб кўйгонда, бир неча солдатлар олдимиздан ўтиб, “сеники эшон” деб тупуриб кетадир. Руслар олдимиздан ўтса, ит қараши килиб, хўмрайиб, сўкиб ўтадир. Охир кўчада турулмай кўркиб, маҳкаманинг ичига кириб ўлтирдик. Бир оз фурсат ўтганда уез ҳокими билан бир анча тўралар чикиб, бизларга танбех килдиларки: “Сизлар рост айтасизлар. Агар ёлгондан эшон шу десангизлар, суд қошида гуноҳкор бўласизлар. Рост сўзламогингиз ухун аълам домла қасам берадир деб оксоқолга, дарҳол битта катта аъламни олдириб чиқинг, деб буюрди. Оксоқол дарров шахарга одам (миршаб) юбориб, Мулла Мухаммад Мусо аъламни хайдаб чиқди. Кейин “аълам келди” деб ичкарига хабар бергани кириб кетди. Бечора аъламнинг ранги ўчиб, қалтираб, ниҳоят кўркуб ўлтирар эди. Ман: “Кўркманг, сизни бизларга қасам бергали қақирди”, деб тасқин бердим. Бир вақт яна аввалги тўралар чикиб, аъламни қақириб: “Мусулмон қоидақича буларга қаттиқ қасам берасиз, рост сўзларни айтмақлири учун”, деб қараб турди.

Аълам домла бизларга тамом қасам алфозлари билан қоблаб қасам бердилар. Кейин аъламга жавоб берилди.

Бизларни 5 та тўралар бирга бошлаб турмага олиб бориб эди, қарасак, турмага қадам

босарлик жой йўк, хавонинг ниҳоят иссиқлигидан турманинг ичи дўзах бўлуб кетибдур. Бош-оёқларида занжир бор. Кочмок у ёқда турсун, турарга мажоли йўқларнинг оёқларига занжир солибдирлар, буларнинг ичидан оралаб ўтиб, бир хонага кириб эдик, Йикчи эшон билан уч киши ўлтирибдир. Хаммалари банд, занжир солингон. Хусусан, эшонни ниҳоят маҳкам боғлабдирлар. Оёқ, бўйни, кўли боғлиқдир. Бошида салласи бор, устида малла эски тўни бор, ерга караб ўлтирибдир. Салом килиб кириб эдик, ёнимда тургон мингбоши, “салом килма” дегандек ишорат килиб, нуқуб кўйди. Кейин тўралар кириб: “Чўрт эшон!” деди. Бизларга караб: “Эшон шуми?” деб савол килиб эди, бизлар шу дедик. Яна тузук кўринглар, галат килманглар, рост айтинглар!” деб, сиёсат килиб эди, бизлар кўрқуб: “Эшон шу, бошка эмас” деганимизда: “Кайси бири, кўлинг билан ушлаб кўрсат!” деди. Хаммамиз бир-бир ишорат билан кўрсатдик. Кейин “йахши” деб чикдилар. Эшон асло бизга карамади. Ёнидаги одамлар ким эканини билмадик. Хаммамиз чиқиб, йўлда келаётиб, кейин бирини таниб колдик, олдидагиларнинг бири кўгартлик кирғизиялар мингбошиси “Чибил” бўлус деган одам экан. Лекин улардан ва эшондан бизларнинг олдимизда гап сўралмади”.

Музофот губернатори харбий суд билан бирликда бечора эшонни огир банд остида уез маҳкамасига олиб кириб, тергов килгонида маҳкамада мирзобошилиқ килгучи Мулла Исмоил кулоқ солиб ўлтургон ва эшон осилгондан сўнг шундай хикоя киладир: “Эшоннинг тутулгонида тахминан 9 кун кейин, эшонга карашли 15 кишини осиб ўлдиргандан сўнг, эшоннинг ўзини уез маҳкамасига бир тўп солдатлар хайдаб келди. Эшонда юрмокка ҳам мажол колмагон, оёғи ва кўлига занжир, банд солинган эди. Фаргона губернатори Чайковский мундан бошка харбий суд аъзоларидан беш киши ва бир канча аскария тўралари хозир эдилар. Эшонни ичкарига олиб кириб, ўртага ўлтиргиздилар.

Губернатор куйидагича савол килди:

- Сан эшон импратор аъзамнинг бутун жахонда энг катта ва кадрли ҳам душманларига зафарлик бир подшоҳ эканини билиб туриб, нима учун бундай ёмон касдга киришдинг?!

- ...

(Эшон индамай ерга караб ўлтирадир).

Губернатор:

- Сўзла! Жавоб айт! Ўзунгча бу феълга киришдингми ёки сани одамлар зўрлаб исён килдирдимми?!

(Эшон сўзламайдир, ерга караб жавоб бермай ўлтирадир).

Судлар таржимонга: “Сиз айтинг! Сўзласун, бўлмаса мажбурий сўзлатамиз”, деганда, таржимон таҳдид, сиёсат килиб: “Гапга жавоб бергил” деб, бир канча дашном килди. Охирида: “Ман нима дедим? Фахмладингми?!” деганда, эшон йўк деган жавобни сокингина айтди. Губернатор уез хокимига караб: “Бошка таржимон чакиринг!” деди. Чунки таржимон Кафкасия мусулмонларидан Ога Беков деган бўлиб, сўзи ўзбекчадан бошқачарок бўлгани учун “эшон фахмламади” деб ўйлади. Унда уез маҳкамасининг адабий таржимони Эшмухаммад тўра Тошмухаммадов деганни чакириб, харбий суд раиси буюрдики: “Эшонга айтинг, бўлгон ходисани сўзлаб берсун, кимлар эшонни шу ёмон ҳаракатга далолат ва тарғиб килди?”

Бу сўзларни эшонга караб таржима килди.

Эшон, ўзум килдим, деб жавоб берди.

Раис: — Ўзинг бу ҳаёлни аввалдан ўйлар эдингми ёки яқинда кўнглингга тушдимми?

Эшон: — Ўзим ҳар йили шу ойларда бир мартаба 5-10 кун ўзумни билмай колар эдим. Бу йил ҳам килгон ишимни билмайман.

Раис: — Сан билан кимлар бирга эди: амалдор, мингбохи ёки юртбоши катталаридан ҳам иштирок килдиларми?

Э: — Йўк.

Р: — Эски шаҳар фуқароларидан ҳеч ким бирга эдим?

Э: — (Жавоб бўлмади).

Р: — Жавоб бер!

Э: — (Жавоб йўк, сукут қиладир).

Р: — Оқ подшоҳни ва унинг амалдор, ҳоким, пристуфларни дўст тутар эдингми ёки душман тутар эдингми?

Э: — Қўғарт тарафидаги мужиклар бечора фуқарони қўб хор қилиб, уруб, ер-сувларини тортиб олгонлари учун хафа бўлуб, душман тутар эдим.

Р: — Мужикларнинг зулм қилгонини ўзинг қўрганмисан ёки одамлар қелиб айтдим?

Эшон сукут қилиб жавоб бермади.

Раиснинг атрофида элликка яқин солдатлар тургон эди. Уларга қараб: “Ур!” деб буюрди. Тўрттаси югуриб қелиб қўлидаги милтикнинг қўндоғи билан 20-30 ни солдилар. Эшон ўлтиргон курсидан йиқилди. Яна турғизиб қўюб: “Сўзла, мужикларнинг зулмини санга қим хабар қилгон!”- деб, савол қилгонда, эшон:

-Алхамдулилло, алхамдулилло! – деб қўйди.

Суд: “Нима дейдир?” деб таржимондан савол килгонида, Тошматўф, худога шукр киладир, деди. Суд раиси яна икки солдатга: “Калтаклардан олиб кел”, деб буюрди. Солдат югуриб чикиб, бир кучок калтак олиб келди. Эшонни ётқизиб калтакладилар. Эшон ҳеч овоз чикармай беҳуш бўлиб колгондан кейин судраб, ташкари олиб, аравага кўтариб ташладилар. Аравага тўртта солдат чикиб, эшоннинг устига ўлтириб, тўгри турмага олиб кетдилар ва турма начальнигидан хат олиб келиб, суд аъзоларига топширдилар. Эшон билан бирга келтирилган Чибил бўлус билан яна икки киши эшонга бўлгон-ходисалардан кўркуб ўлтирар эдилар. Локин Чибил бўлуснинг рангидан кўркув асари билинмас эди. Навбат буларга келиб, биринчи навбатда Чибил бўлусдан савол килинди:

Суд раиси:

- Санинг исминг нима, кайси жойдансан?

Ч: — Ман Кўгарт тобеъидан, номим Чибилдир.

Ра: — Неча ёшга кирдинг?

Ч: — Эллик ёшга кирдим.

Ра: — Неча таноб еринг бор?

Ч: — Биз киргиларда ер бўлмайдир. Бизларда от, мол, кўй, эчки бўладир. Биз тирикчилигимизни молдан киламиз.

Ра: — Кўй, мол ва отларинг канча?

Ч: — Минг бес юзга якин кўй, эчки билан икки юзга якин от, мол бор.

Ра: — Бу моллар отангдан колганми ёки ўзинг топганмисан?

Ч: — Бу молларнинг хаммасини ўзим топганман. Отамдан колган нарсаларнинг хаммаси ёш вақтимда йўқ бўлуб кетган эди.

Ра: — Подшохи аъзамнинг улуглигини ва аскарларининг кўблигини биларми эдинг?

Ч: — Билар эдим.

Ра: — Шундай бўлса, нимага Йикчи эшон билан кўшулуб мундай беадаблик ва подшохи аъзамга зўр хиёнат қилдинг?

Ч: — Хақиқат қилиб кўринг! Ман эшонга кўшулуб шаҳарга келган эмасман. Эшон шаҳарга қирган қуни ман Кўгартда эдим. Кўгарт элларидан сўралсун.

Ра: — Эшоннинг сундай ҳаракат қилишидан хабаринг бор эдими?

Ч: — Озрок хабарим бор эди. Лекин шаҳарга солдалар устига юришидан хабарим йўқ эди. Посолкалардаги мужиклар тоғқардаги қирғизларни кўб сиқиб, ерларини, от-молларини тортиб олгонидан эшоннинг муридлари кўб жойга арз қилгонларида сўрамай овора қилгони ухун аксар қирғизлар йиғилиб, посолкаларга хужум қилмокка эшондан ижозат олишга борганларида, эшон уларни манъ қилиб: “Янаги йилгаха сабр қилинлар! Янаги йилгача кўпайиб, иншоллох, мужиклар устига газот қиламиз”, деган, деб эшитиб эдим. Мундан бир ой ўтгандан сўнг эшоннинг қақариши билан Мингтепага бордим. Эшон билан кўрушуб, дастурхон ўтгандан сўнг, мани хос хужраига олиб қириб, газот қилиш маслаҳатини қилди. Ман қўлимдан келганха манъ қилдим. Охири эшон:

“Янаги йилгача сабр киламиз” деганда, ман бир йилгача ким бор – ким йўк, албатта, бу хаёл эшоннинг дилидан чикиб кетса ажаб эмас, деб ўйладим. Лекин шахарга киришни айтган эмас, “атрофдаги мужиклар устига юрамиз”, деган эди.

Ра: — Санга мунча маслахатни бир йил аввал айтган бўлса, сан нима учун келиб уез хокимига хабар килмадинг?

Ч: -Кўгарт бозоридаги Николъский посолкасининг истаршинаси Николай деган ўрусга: “Мужикларингни сал босиб кўйгил, киргизларга кўб зулм килгонидан улар тўйиб юрибдир. Йикчи эшонга хабар килгон эканлар, у насихат килиб, босиб кўйибдур. Бўлмаса, йигилиб хаммалари хужум килмокчи хам бўлгон эканлар” деб айтиб эдим.

Ра: — Мужикларга айтгунча нима учун келиб шахар хокимига айтмадинг!

Ч: — Ман ўша Николай бориб айтган бўлса керак, деб гумон килдим-да, айтмадим.

Ра: — Санга эшон бу кундан 15 кун аввал нима хат килгон эди?

Ч: — “Бизга карашли буродарларни чахоршанба куни хабар килиб, Мингтепадаги хонакохга юборинг, корхайр ишимиз бор. Мархамат килиб ўзингиз хам бир келсангиз, зиёда хурсанд бўлур эдик”, деб хат килгон эди, ман бу хатни эшоннинг Кўгартдаги Косим деган халифасига юборгон эдим. Ўзим боролганим йўк. Бирор хафтадан кейин шундай ходиса бўлуб колди. Хаммамиз беҳабар колдик.

Ра: — Сан одамларни тўплаб юбориб, ўзинг “яна колгон одамларни тўплаб турарман, эшон бу тарафга юрсунлар” деб хат килган экансан. Бу хатда: “Аввал атрофдаги мужикларни босиб, кейин шахарга хужум киламиз” деган экансан. Бу хатни ким ёзъон эди?

Ч: -Бундай хат килгон эмасмн, ёлгон...

Раис саркотибга “ўша хатни ол” деб буюрганда, саркотиб иш ичидан олиб, раис кўлига берди. Раис олиб Чибилга кўрсатиб, “шу хатни танийсанми” деганда, Чибил ҳеч нима деёлмади, хомуш бўлиб колди.

Эшон “хуруж” киладиргон куни Чибилга килгон хатинин оркасига Чибил суд раиси айтган гап мазмунини ёзиб, Йикчи эшонга шитоблик суръатда юборгон экан, эшон хатнинг жавоби келганча турмай, шошиб шаҳарга жўнаб кетгандан кейин бориб, хонакоҳда колгон экан.

сўзидан адашиб суд раиси яна кўб гапларни сўрагонда ҳеч жавоб бера олмай, аввалги ахволдан бошка ва умиди узилганнамо бўлуб, хайратда колди. Мундан эшон билан маслаҳатда бир экани маълум бўлуб, суд раиси шу мажлисда уни ёткизиб урмоқка буюрди. Олтита солдатлар бир кўтарим калтакни олиб келиб, Чибилни ёткизиб, чунон калтакладиларки, оркасининг тамом гўшtlари деса бўлурлук узулиб кетди. Охири “дод” демакка мажоли колмай, беҳуш бўлиб, ўлик суратида йикилиб колди.

Буни кўриб тургон шериклари ҳам камоли кўркувдан хушларидан кетиб, ётиб колдилар. Чибилни бир тарафга ташлаб кўюб, бу икки беҳоралардан сўз сўрамок ухун харчанд бедор килсалар бўлмади.

Охири бошига этикларининг пошнаси билан тепдилар, яна ҳеч имкони бўлмади ва шом вақти бўлуб, коронги тушуб колгони учун буларнинг учалаларини аравага судраб солиб, турмага юбордилар.

Буларни жўнатиб, “суд ёпилди” деб эълон килгондан сўнг, бир-бирларига ўз килгон зулмлари борасида изхори хурсандлик килиб кулуб, ҳукмни кечаси соат ўнда киламиз, деб таркалдилар.

ЎЛУМ ЖАЗОСИ

1898 йил 13 жавзода харбий суд, Фаргона губернатори бошлик, эрта билан соат саккиздан кеча соат саккигаха уч маъюбни калтаклаб, беҳуш килиб жўнаб кетиб, кечаси соат ўнда яна уез маҳкамасига йигилди. Хар кайси тўра бир-бирови билан кўришар-да “вой дод, вой дод” деб калтак еган бечораларни масҳара килиб кулишар эди. Ўлтуруб, протоколларни ўқуб, дафъатан эшонга кўшиб Чибил бўлуснинг ва яна тўрт судда хақиқат килмагон одамларнинг номини айтиб, олти кишини эрта соат ўн бирда осиб ўлдирмакка ҳукм килдилар.

Хукмдан сўнг ҳаммалри ўрниларидан туриб “час” бериб, бирмунха гапларни айтиб ўлтирдилар.

Кейин мусулмон мирзони чакириб, таржимон воситаси билан “эрта билан соат саккизга умумий фукаролар ҳозир бўлсунлар. Кўргон тагида Йикчи эшон осиладир. Ибрат учун кўришлари мажбурий” деб,

Эски шаҳар оксокоliga зарур буйрук ёзишга буюрди. Мирзо Исмоил буйрукни ёзиб тургон вақтда суд аъзоларидан бири югуриб чикиб, тамом мактабдорлар ҳамма шогирд болалар билан чиқишлари “мажбурий” деб ёзинг, деб буюрди. Иккинчи чикиб: “Нима керак, майда болаларнинг зарурлиги йўқ” деб, мунозара килиб колди. Жавобига: “Ёш болалар катта одамлардан кейин коладургон одамлар бўладиргони учун, узун умр кўруб, кўб йиллар Русия подшоҳинин сиёсатини айтиб юрадилар”, деганида ҳаммаларига маъкул тушуб: “Бундай бўлса, иккинчи яна алоҳида буйрук килинсун. Тамом мактаб болаларини ҳам домлалари олиб чиксунлар! деганда мирзо иккинчи мартаба каттик ва мажбурий буйрук килди, бу буйрукни миршаблардан оксоколга юборилди. Оксокол кечалаб мишабларни бутун шаҳар ичида чопдириб юриб, маҳалла элликбоҳиси воситаси билан ҳеч кимни ухлатмай, тонг отганга тамом шаҳардаги муаллим, имомлардан тилхат килдириб олди.

Шаҳарнинг катта оксоколи Кодиркул мингбошининг зарби ва сиёсати нихоят каттик ва бераҳм бўғони шаҳар фукароларига маъруф ва машҳур эди. Имомлар шаҳар соат беш-олтида туруб, маҳаллаларидаги кавумларига хабар килдилар. Мактабдорлар бўлса, тамом шогирдларига хабар бериб, эрта билан соат саккизда ҳамма фукаролар ва шогирдлар катта ококол ховлиснинг олдида ҳозир бўлдилар. Имом ва муаллимлар кўркуб, титрар эдилар”. Оксокол бир имомнинг рўбарасига келиб: “Неча кавмингиз билан келдингиз?” деб савол килиб эди, “тахминан 35-40 тача киши билан келдик” деди. Бундан кейин: “Кавмингиз неча уйлик?” берилган саволига сукут килди. Маҳалла бошлиги: “Таксир, кирк уйликмиз”, деб жавоб бериб эди, оғзига келган ҳақорат билан дашном бериб: “Кирк уйлик бўлсанг, 35 киши келадими? Нима учун ҳамма кавмини

бошлаб келмадинг!” деб ёнида бўлгон митшабга: “Ур!” деб буюрди. Миршаб камчи билан уруб турубдур, бечора махалла бошлиги бошини енги билан тўсуб:

- Таксир, тавба килдим, бошқалари кишлокка ва хар тарафга кетган эканлар, топмадик, — деб овоз килди.

Оксокол юртга сиёсат ўтказиш учун “ур” дардига гирифтор бўлгон ва ким бўлса бўлсун, рўбара келса урдирмай қўймас эди. Охирида, бу “ур, ур” дардининг касофати билан бир дўкандор арманининг бойини урдириб қўйди. Бу армани бой нафсоният килиб, сармоядорлар тарафдори бўлгон хоким губернаторларга арз килиб, судга бериб, охири истибдод учун қилгон шунча хизмати мукофотига, ниҳоят хорлик билан ўрнидан бекор бўлди ва Қўкон кишлокка бориб, амал хасратидан бетоб бўлуб, охири Мажнундек бўлуб, ўзини ўзи жарохат килиб ўлди. Мустабид ҳукумати бизга эшон ходисасида қўб хизмат қилгон эди, деб риоя қилмади. Сармоядор бой арманининг капитал қуввати уни йикитиб қўйди.

Энди мақсадга келайлик: соат саккиз бўлганда, хаммани катор-катор килиб, мактаб болаларини олдига солиб, янги шаҳарга тахминан 8000 киши бўлса, 2000 майда мактаб болаларинини олиб чиқиб, Тупрок қўргон олдига, адирнинг тагига қон иси келадирган ва тикиб, сошлаб қўйилгон дорларнинг атрофига одамларни айлантириб қўйди. Хоким чиқиб, фуқаронинг қўблигини қўриб, катта оксоколга “рахмат” деб, ёш болаларни ҳам дорнинг бир тарафига катор килиб қўймоққа буюрди. Бир тарафдан жой бўшатиб турган ҳолда бир киши: “Ёш болалар қўрқарми қан? Одамлар орқасига қўйсак, қалай бўлар экан?” деб мингбошига айтган эди. У бориб хокимга айтган экан, “Қўркани яхшироқ. Эсидан чиқмайдир. Дорга яқин қўюлсун”, деб буюрубдур. Мингбоши келиб, дорнинг қибла тарафидан одамларни хайдаб юбориб, ҳамма мактаб болаларини катор килиб қўйди.

Бир вақт соат ўнга яқин эдики, бир тўп, занжир билан қўл-ойўғи боғланган олти кишини ўртага олиб, ўлан айтишиб келди ва дор тегига келтириб, катор-катор қилди. Буларнинг олдига тўрт табл (ногора) осган солдатларни қўйди.

Уларнинг ичида эшонни икки солдат этаклаб, йигиннинг атрофини айлантириб, “Эшон шу одамми?” деб сўраб юрди. Хеч ким “шу киши эшон эмас, ёки эшон” деб айтмади. Айтса, “Сан ҳам борган экансан, ёки билар экансан”, деб мени ҳам ушлаб қоладилар”, деб хар ким ваҳимада эди. Аммо тўралар бўлса тўрт-беш кишини танитмок ҳаёлида

эдилар. Халкдан овоз чикмаганидан газабланиб, бир каттакони охири каттик овоз билан; “Албатта хаммаларинг биласизлар, бовужуд айтмайсизлар, исён килмокда хам сизлар билгансизлар. Агарда ҳеч ким танимаса, шу йигиндаги бутун халкни пулемётга тутамиз. Бирор жон колмайдир”, -деб сиёсат килиб эди, хар тарафдан одамлар ўзини кўрсатмай туриб “Шу киши эшон!” деб кичкиришдилар. Тўралар у ёк-бу ёкка караб, овоз килгувчиларни тополмас эдилар. Шунинг учун яна: “Тўрт-беш киши йигинда ажраб чикиб, одамларга караб “Эшон шу одам” деб кўрсатсун”, - деганда ҳеч ким журъат килиб чиколмай, яна хар тарафдан, одамлар оркасидан бошини паст килиб туриб “Эшон шу одам, эшон шу” деб овоз чикаришдилар. Золим тўралар бундан ўз сиёсатлари хадду камолига етганини билиб, бир-бирларига караб кулар эдилар. Халк бўлса, дор тагида мунгайиб, бўйнини кисиб, йиглаб турганларини кўриб, токат килолмай, секин-секин йиглар эди. Шу вақт эдики, йигин ташкарисида вой-войлаб дод-фарёд бўлиб кетди. Карасак, осиладиргон одамларнинг бола-чакалари, хотин-киз, ушок болалари экан. Хотинлар “тул бўлдик!” деб, болалар бўлса, “етим бўлдик!” деб фарёд килар эдилар. Бу холни кўрган халкнинг кўнгли яна бузилиб, хоинлардан кўркуб, ўзларини йигидан тўхтатар эдилар.

Каторда тургон бир кишининг юзини тўсуб йиглаб тургонини губернатор кўриб колди, кўлидан ушлаб ўртарокка тортиб: “Нима учун йиглайсан, эшонга кариндошмисан?” деган саволни сўраганда бечоранинг ранги ўчиб, бошига ўлим ваҳми тушуб, камол кўркканидан титраб-титраб туриб “Кошки подшохи аъзам импратур муаззамга осий бўлмасалар эди, тинч турсалар эди, подшохи аъзамнинг мундай каттик азобига учрамас эдилар. Бола-чакалари етим бўлмай, подшоҳ хазратларининг давлатларида кун кўрар эдилар. подшоҳ аъзамнинг ўлган солдатларига йиглайман!”-деди.

Бир канча хотинлар ва болалар какшаб, шовкун солиб йиглаганларида, ногоралари билан турган солдатлар бирдан ногора чалиб юбордилар. Бу холни кўрган мазлумлар дарду хузун билан йиглай бошладилар. Хамманинг кўзи ёш билан тўлди. Ташкарида турган губернатор дод-фарёд килгувчиларни камаб кўймокка буюрди. Дархол беш-ўн солдат чикиб, буларни уриб туриб, турмага олиб кирдилар. Ва эшоннинг авлодига кўшиб кўйдилар (Эшоннинг авлоди тамом ушланиб, аср килиниб камалган эди). Буларнинг камалганини кўргандан кейин ҳеч ким йигин чикармай турди.

Бу холда бир мутаккабир тўра дор тагига келиб, чўнтагидан бир тахта коғоз олиб, баланд овоз билан ўкиди. Таржимон шундай таржима килди.

ЎЛУМ ФАРМОНИ

“Улуг адолатли ва каттик кахрли подшохи аъзамнинг сояи давлатида туриб яшагучи фукаролар хиёнат килиб, исён чикаришда улуг император аъзамнинг душманларига галаба килишга кодир бўлмаслигидан андиша килмай, Мингтепа кишлогиди тургучи Мухаммад Али эшон ўзига карашли бир канча одам билан подшоҳ хазратларига осий бўлиб тиг кўтариб, Андижон казармасига хужум килиб, 23та кахрамон аскарни шаҳид килди.

Бинобарин, бу исёнчи эшонни ўзига карашли одамларива муридлари билан ҳукуматдорлар томонидан ушланиб, харбий суд оркали хакикат килганида, айбларини икром килиб, ўз бўйинларига олдилар. Бинобарин, харбий суд эшонни ва унинг муридлари бўлган ушбу беш кишини осиб ўлдирмакка ҳукм килди. Хозирда бу ўлим жазоси бошқаларга ибрат бўлсун учун ижро килинур”.

Муни эшитган кўл-оёғи занжир билан боғланган мазлумларнинг бошидан хуши учди, ҳеч каюсида шуур ва ақл колмаган эди. Бир киргиз бечора атрофдаги одамларга айланиб шошилиш билан карай берди. Бу кишининг кўб караганидан бир айтадургон сўзи бўлса керак ёки авлодига этказадиган бир васияти бўлсамикан, деб гумон килар эдик. Лекин бу бечора кайси тарафга караса, ўша тарафдаги одамлар юзларини беркитар ва энгашиб ерга караб турар эдилар. Бечора мазлум кўб жовдираб каради. Ноилож мустабид хоинларга караб бирдан: “Эй улуглар!” деган эди, солдатлар бодратиб ногора чалиб юборди. Бечора тўхтаб колди. Ногора тўхтаган хамон яна, “Эй халойик! Гувоҳ бўлинглар! Ман...” деган хамон яна ногора уриб юборди.

Ногора тўхтаган замон яна баланд овоз билан: “Ман ноҳақ осилиб кетаётибман, бу гаплардан ҳеч хабарим йўк эди, сизлар гувоҳ бўлинглар!...” деб кичкирди. Яна ногора чалиниб, гапи халка эшиттирилмади. Ногора чалинган вақтда огзи кўп кимирлаб сўзлади. Локин эшитиб бўлмади. Бечора ноумид бўлуб, Саъдийнинг: “Хар қачон одам ноумид бўлса, яъни умиди узулса, тили узаядир, мағлуб бўлган мишиқдек итга хамла киладир”, деган сўзига мувофик ўзидан умидини узуб, ногора чалиб турган солдатга караб: “Эй бадбахт кофир! Тўхтат-э! Килар ишингни киласан. Ман сўзумни мусулмонларга айтиб колай”, деб ниҳоят журъат билан хакорат килди. Золимлар унга кулок солмай, яна ногорасини чалиб юборди. Чибил бўлус хам: “Хой, губернатор, хой, хоким тўра, икки огиз арзим бор!” деб эди, бунга хам ҳеч кулок солмади.

Шу холда иккитаси йикилиб, беҳуш бўлиб колди. Харчанд солдатлар келиб кўтариб тикка килди, турмокка кодир бўлолмадилар. Бу бечоралар хушларига келганча бир оз

тўхтаб турдилар. Эшон бўлса ҳамма вақт ерга караб турар эди. Бир огиз сўз айтгани йўк ва айтгани ҳам ҳаракат қилмади. Бу ўртада губернатор ҳокимни чакириб, бир сўз сўради. Ҳоким келиб, эски шаҳар катта оксоқолини чакириб, бир нарсани деб қўйди. Катта оксоқол четга бориб, ўша ерда бўлган ўз мирзосидан “Ривоят нима бўлди?”- деб сўради. Мирзоси: “Битмаган экан, чала экан, бугун кечаси битар экан”,- деб жавоб берди. Мингбоши ҳокимга: “Ҳозир одам юборайми, олиб чиқсун?”- деб эди, губернатор “фурсат йўк” деб қабул қўрмади. Бинобарин, ривоятга одам юборилмади.

КАФАН КИЙДИРИШ

Эшонни дорнинг тагига олиб келиб, оёғидаги темир кишанни очамиз деб уриндилар, илож бўлмади, шекилли, болга билан уруб синдирдилар ва бошқа рафиқларининг кишанларини ҳам уриб синдирилди. Кишанларни четга ташлаб, бир шакар копчани очиб, ичидан хом сурпдан қилинган 6 та ҳалтани олиб ташлади. Ўез ҳокими шу ҳолда катта оксоқолни чакириб: “Бир аълам топинг, буларга иймон ўқутсун!”- деганда, Фаҳриддин козини чакириб, дор тегига олиб борди. Кози биринчи эшонга, иккинчи Чибил бўлукга ва бошқаларига бир-бир иймон ўқутди. Ҳушидан кетган иккитаси ҳам сахал ҳушига келган эди, буларга ҳам иймон ўқутди. Булар ўқишга қодир бўлдиларми, йўқми, маълум бўлмади. Ҳосили, кози тез-тез бит нарсаларни айтиб, дор тегидан қочмок фикрида эди. Бу вақтда Чибил бўлус ўзини ростлаб, дадиллик ва баланд овоз билан: “Ў мусулмонлар! Гувоҳ бўлунглар, ман ноҳақ кетаётибман. Манга бу ҳокимлар зулм қилдилар...” деб сўзлаб туриб эди, ҳоким келиб: “Бас, бас!” деди. Унга қулоқ солмай яна сўзлаб туриб эди, икки солдат келиб милтиқнинг қўндоғи билан 4-5 урди, шундан кейин индамай қолди. Бу ҳолда бири келиб дорнинг аргамчиларини тушуриб, сиртмоқларини очиб, тузатиб қўйди. Кейин икки солдат ерда турган ҳалталарни ердан баробар қўтариб, олиб келиб, қатор турган банди асирлар бўшига қийим-бошлари устидан қийдириб қўйди. Бечораларнинг оқ ҳалталар ичида нима ҳолга тушгани бизга маълум эмас, ёлғиз оёқларига қўринар эди. Дафъатан икки солдат эшонни дор тегига олиб келган маҳал бошқа шерикларини ҳам этаклаб кетиб турган ҳолда иккиси яна беҳуш бўлиб йиқилди. Буларни судраб, дор тегига кетириб, унинг остига қўйилган икки поғоналик курсига “чик, чик” деб эшонни чиқарди. Шу ҳолда кафан ичида бир ўзи қадам қўйиб чиқди ва баланд овоз билан: “Эй мусулмон биродарлар, гувоҳ бўлинглар, ман ноҳақ тухмат билан кетиб турубман. Бола-чақаларим, майда-чуйда, қўп эди. Бу ҳоким ва тўралар яхши адолат қилмади. Тўғри ҳақиқат қилмади. Дуо қилинган, шу қўлимларни...” деган вақтда бир тўранинг ишорати билан бирдан сиртмоқларни солиб, курсиларни тегиб юбордилар.

Бу олти кишидан иккитаси бир-икки буралиб, оёғини уруб қимирламай қолди. Бошқалари қириллаб айланиб, буралиб, икки томон дорнинг ёғочига урилиб, ниҳоят қийналиб, қўп овози бўлдилар. Буни қўриб турган ёш болаларнинг қўблари қўриқиб: “дод, ота, она!” деб

йиглаб юбордилар. 4-5тасининг хуши кетиб колди ва йикилди. Болалар турган тараф тўполон бўлиб кетди. Аскар болалар кочиб чикиб кетдилар. Одамлар бўлса: “Кўркди, кўркди! Болаларни оркага олинглар, юзига сув сепинглар!” деб тўполон килиб юбордилар. Хушидан кетгн болаларни дархол ташкарига чикариб, одамлар бошларини укалаб, машаккат билан хушига келтирдилар.

Шу тўполон билан ёш болалар ахволига овора бўлуб туриб, осилган бечоралардан гофил бўлимиз. Кейин кимирламай туриб қолибдилар.

Кейин дўхтур келиб, курсини кўюб, хамма осилиб турганлар корнига бир-бир кулок солиб имтихон килиб, жон чикан-чикмаганидан хабардор бўлиб олтовини кўриб, ярим соатга якин фурсатда хат ёзиб, губернаторга топширди.

Бу хатни губернатор ўқуб кўруб, дор атрофида турган халкни чакириб “якин келинглар”, деб, хаммани якин келтиргандан кейин, “Болалар кани, болаларни хам чакиринг”, деб буюри. Болалардан бир канча кўркуб, беҳуш бўлуб, юраги чикканларини уч аравага солиб, эски шаҳарга тушуруб юборган эдилар. Бошқалари хам пиёда шаҳарга тишиб кетган эдилар. Бу хабарни айтганда катта оксокол канча ҳақорат килиб, ҳафа килди ва кимнинг ижозати билан жавоб бердинг, деб сиёсатлар килди.

Адоватга мундан зўр ва равшан далил бўлармикан, ёш болаларнинг ўликдан кўркиши маълум гап. Айникса, бундай дахшатли кунда хамманинг кўркиб турганлиги бир тараф бўлса, онкадарким, болаларнинг кўркиши яна кўбракдир. Бу ахволни истибдодчилар билмади дейсими?

ТАҲДИД (КЎРКИТИШ)

Фаргона музофотининг эски мустабид хоинларидан бўлган губернатори Чайковский хамма фукараларни эшон осилиб турган дорнинг тегига тўплади ва такаббурлик билан туруб, бир тарафдаги тамом солдатларнинг милтигини ўкталиб, мусулмонларга қарши тайёр килиб қўйиб, шу таклифни килди: “Мусулмонлар! Сизлар кўзларингизни очинглар! Сизларнинг подшохи аъзам қошида айб ва гуноҳларингиз кўбдир. Ичингиздаги эшонга қўшилиб исён қилгувчилар бўлса тамом тутиб кўрсатиб берасизлар. Уларни бола-чакалари билан Фаргонадан уруғларини қурутуб, хонумонлари мусодара қилиниб,

иморатлари тўпга тутилиб, ер билан яксон килинадир. Чокандаги авгон богда зироатчи (агроном) тўрани ўлдириб, тугларини конлатиб кетганлари учун шу авгон бог атрофида бўлган маҳаллалардаги катта-кичик мусулмонларнинг конлари билан подшохи аъзам аскарлари милтикларини конламасалар, юраклари совумайди. Албатта, бу иш бўладигон балки ҳукм килингон бит ишдир. Чокандликлар ўзларининг гуноҳларини бизлардан сўрамокчи бўлсалар, эшонга борди-келди килгонларни ўзаро кўрсатиб бериб, ўз ичларини эшончилардан тоза килишлари керакдир. Шундагина гуноҳлари афу килиниб, ўз жонларини саломат олиб коладилар. Локин жойлари ва мулклари подшоҳ хазратларининг ўлган солдатларининг бола-чакалари фойдасига олинадир. Сиз, мусулмонлар, бепарволик килмай, ўзларингиз исёнчиларни бир ҳафта ичида топиб бериб, тамом килиб, опъз эътикод ва ихлосларингизни билдирасиз!

Мана, подшохи аъзамнинг сиёсатини кўриб турубсизлар. Кахрамон аскарларини ҳам кўз олдингизда кўрмакда ва қахрлик сиёсатини бир оз танимокдасизлар. Бутун ер юзининг импратурларини ўз катталиги билан ларзага солган ок подшоҳга биргин Фарғонадаги халкнинг игтишоси ва исёни билан ҳеч футур келмайдир. Балки ўзларингизнинг ер юзидан йўк бўлиб кетишлаингизга сабаб бўласизлар. Мана, исённинг натижасини кўриб турубсизлар, яна ҳам кўрасизлар. Подшоҳ хазратининг қахр ва газабига гирифтор бўлмокка сабаб бўладиргон феъл ва ҳаракатдан минбаъд сакланишларингиз керак .

Шундан кейин “Сиз фукарога жавоб”, - деб ижозат берди. Хамма безиллаб турган эди, бирдан чувиллаб жўнай бердилар.

Дорни тикар вақтида дорларнинг тегига одам бўйидан пастрок чукурлар казилиб, устига бўйра ёпилиб кўйилган экан. Бир тўп солдатлар келиб, кўлларидаги шофлари билан аргамчиларни кесиб юбордилар. Хаммалари ерга чўзулуб тушдилар. Кейин бир арава оҳак келтириб, олти кишини икки чукурга ташлаб, устидан оҳак ташладилар. Хар тарафдан тупрокларни тортиб, бирор газ тупрок тушгандан яна оҳак солиб, хосили тупрокни оҳак билан аралаш килиб, каттик тепиб кўмдилар.

Жаноза каби расм ул тарафда турсун, кўмишда мусулмон киши ҳам иштирок килгани йўк; ёзиб бўлмайдиган хорлик ва мазлумият билан кўмилдилар. Кўмилгандан кейин тепасига хамма вақт навбатчи солдатлар кўюлиб, караб турар эдилар ва эшоннинг ва бошка рафиқларнинг авлодлари ва кавм-қариндошлари келиб, жасадларини олиб кетиш эҳтимолидан саклар эдилар.

Осилганларни кўрган болалар уйларида неча кун бетоб бўлуб, кечалари чўчуб уйғониб, уйқуларида шовқун солуб, туруб кетиб, неча кунларгача ота-оналари ухламай, болаларидан кўрқуб, асраб чиқар эдилар. Бу кўркув натижасида неча болалар халок бўлдилар. Хусусан, каминанинг кўшним шахрихонлик бир косиб одам эди. Ўн бир яшар Абдуллатиф деган ўглини мактабга бериб, ўкутиб юрган эди. Шу ходисада бу бола ҳам кўрккан экан. Уйига келиб, неча кунлар чўчиб ухлай олмай, озиб кетиб, ўлиб қолди.

Шахар ичида ёлгиз бу бечора бўлмай, балки ўқуб турган болалардан кўблари бу ходиса билан вафот топиб, ота-оналарни хасратда қолдирдилар.

У бечоралар истибдод жосусларидан кўрқуб, золимлар ўрнига эшонни қарғар эдилар.

ХАЛКНИНГ ОВОРАЛИГИ

Фаргона харбий губернатори эшонни осиб, хануз мазлумлар жасади осилиб турган вақтда “ўлганнинг устига кўмган”, деганидек қилиб умумий мажбурий чиккан фукароларни йигиб, каттик сиёсат билан кўркутуб: “Хали Андижон халкининг гуноҳи кўб, бутун Андижон тупроғини осмонга совураман, халқини тамоман ихрож қилиб, ўрнига ичкари Русиядаги беватан крестъянларни олиб қилиб ўрнаштираман ва мол-мулкларини мусодара қилиш билан жазо бераман!” деган турли сиёсатлар қилиб, жавоб бергандан кейин, ҳаммага каттик ваҳима тушди. Шаҳар халқи кўпинча ховлиларда чуқурлар қовлаб мол-амволлари ва яхши кўрган нарсаларни кўмиб, огир асбобларини чуқур ховузларга ташлаб, қимматбаҳо қилм ва қигизлари бўлса, узок қишлоқларга юбориб, неча қунлар саргардон бўлуб, қиларида ётар учун кўрпа-қигиз қолдирмай, майда ва масъум болалари билан қок ерда ётиб, кўб оворалиқ тортдилар.

Неча кунларгача букун отадир, эрта отадир, деб хабар бўлуб, кундузи атрофларга таркалиб кочиб кетиб, кечаси ховлиларидан умид узолмай келиб хабар олиб, яна сахар туруб чикиб кетар эдилар.

Бечора косиблар ва меҳнати устидан бола-чака бокадиргонлар ўз тирикчиликларини килолмай, неча кунлар хилват жойларда: “Қачон милтикнинг овози чиқар экан” деб кулок солиб юрар эдилар. Шундай ваҳимали ва хавфли кунларда: Андижоннинг эски шаҳари отилишдан қолибдир, аммо эшоннинг юрти ва кишлоғи бўлган Мингтепани текис

килмокка кўб солдатлар неча адад тўплар билан келган эмишлар, деган дув-дув гаплар чикиб колди.

МИНГТЕПАНИ ТЎПГА ТУТУШ

Дархакикат, бу хабар саҳих ва рост хабар экан, эртасига Мингтепа фукароларидан баъзилари шаҳарга кочиб кетдилар. Булардан хабар сўралса, жавобига айтадирларки: “Кеча сахар вақти бор эди. Баъзилар энди турган эдилар, кишлоқнинг жануб тарафидан бирдан тўп (замбарак) ва милтик отилиб колди, тўпалон бўлуб, уст-бош олғони олиб, баъзилар майда болаларини кўтариб, ҳар ким ҳар тарафга қараб туриб кетди” деб, “бизда нима айб, ахир, биздан келиб гап сўраса керак”, деб бепарво турган Мингтепа кишлоқ фукаролари устига кечалаб бориб, жануб томондан сахар вақтида тўпга тутуб қолибдиалр. Аксар хотинлар бешиқдаги болаларни зўрга ешиб олиб қочибдилар. Баъзилари шунга ҳам кодир бўлолмай, жонларини олиб қочганлар.

Шу паришонлик ҳолда баъзи тўдаси шимол тарафдан Наманган тарафига, баъзилари ғарб ёғидан Маргилонга ва бир оз қисми Андижонга қочиб кетишдилар. Қўблари Наманган билан Маргилон ва Ўш шаҳарларига қочган эдилар. Зероки, ўша кунларда Фарғона музофотига қарашли шаҳарлардан Андижонга қараганда ўша шаҳарлар тинчроқ қўрилган эди.

Мингтепага борган солдатлар уч кун муттасил қўзларига қўринган халқни, ҳатто “машк” деб товук ва итларгача отиб юборган эди. Уч кундан сўнг Мингтепа кишлогининг ичида ҳеч ким қолмагондан кейин солдатлат кириб, талон-тарож қилиб, тамом қўрпа-тўшакларини олиб чикиб, қигиз ва гиламларини Мингтепанинг катта “Ийдғох” масжидига йигиб, ҳатто қоса ва табокларини шу масжидга тўплади ва қим бўлса бўлсун, атрофдаги кишлоқлардан мингбошиларга қилгон буйруғи билан мардикор қакирди. Атроф кишлоқлардан ҳар қайси мингбоши қўл остидан 2000дан мардикор ёзиб олдириб қелди.

Мингбошилар 2000дан мардикорларни ўзлари олиб бордилар. Мингтепа кишлогининг тамом иморатларини очдирди. Иморатлар ўрнидан нима қикса ва нима нарса топилса, топган мардикорнинг ўзига берди. Уй эгалари, мингтепалиқлар қўрқуб, асло бормас эдилар. Борсалар ҳам мардикорлар қаторида ишлаб қелар эдилар. Қосили 15 кун одамларни шу қилда мажбурий ишлатиб, тамом кишлоқнинг қаландлигини пастга олиб, текис, қаробар, мусаттах қилиб қўйди. Эшон қовлисини бўлса 15-инчи кун Андижон

хокими ва губернетур ва кўб тўралар бориб, бир канча землямер(танобчи)лар ва мухандилар воситаари билан тамом махфий ишарини ва гапларини очиб, план килиб, суратларини олиб, камокан деворлар орасидан қўйилган кувур, трубаларнинг планини килиб, фукароларга кўрсатиш учун бостириб чиқариб соттирди.

Эшонни пул, давлат ва хазина кўб эди ва уйларида бир ерга кўмгандир, деб гумон килиб, мардикорларга неча кунларгача қовлатиб, ниҳоят овора бўлдилар.

МИНГТЕПАГА МУСТАМЛАКАЧИЛАР ЎРНАШДИРИШ

Мингтепа кишлоқ халкига текислатиб, тамом мусаттах қилгандан кейин уезд хоими тўрт-беш ер ўлчайдирган тўралар билан чиқиб, 8 кунда тамом Мингтепани мужикларга чек килиб ўлчади. Ўртасидан тўғри кўчалар чиқариб, кўчанинг икки томонидан хона-жойлик иморат тархини килиб қизиб, тўрт юз эллик хоналик бир посёлка планини тайёрлаб қўйди.

Эшон хонакоҳининг ўрнини текислаб, черков қилишга қарор қилинди. Бу иш эса мусулмонларни ҳафа қилмоққа бўлган бир ҳусумат эди, бўлмаса, бутхона қиларлик баланд ва соз жойлар ҳам кўб эди. Кейин орадан бир ой ўтганда, ичкари Русиядан ниҳоят кўб мужиклар қелиб қолди. Буларнинг ҳар қайсиларига қарз ва ёрдам пули топиб бериб, шу Мингтепада тайёр ва план килиб қўйгон жойларга хона, жой бериб, ўрнаштирдилар. Лекин буларнинг тамом иморатлари битганча мусулмон дехқонларини навбат билан мардикорликка олиб қелиб ишлатиб турдилар. Ўша 1898 инчи мелодийда ҳар бир мужик мусулмонлар кўзига ниҳоят ваҳималик ва зўр кўркинчилик катта одам бўлуб кўрунар эди ва мусулмонлар булардан кўб кўрқар эдилар. Ёлғиз кишлоқ фуқароси эмас, балки шаҳар халқи, ҳатто савдогарлари ҳам кўб кўрқар эдилар. Ҳар бири, ҳоҳ шаҳарда бўлсун, ҳоҳ кишлоқда мусулмонлар кўзига азроилдек кўрунар эди.

МИНГБОШИЛАР

Чор ҳукуматининг биринчи муддаоси ҳар амалга бўлсун бойларни қўйиш эди. Ҳатто унинг паст амал ва мансабдорларидан бўлган маҳалла бошлик (элликбоши)ларни маҳаллалар сайлаб берад бўлсалар, обрўлик ва ер-сувлик ва халқ ичида эътиборли одам бўлсун, деб буюрар эди. Ҳар амалда бойлар бўлгани учун сармоя тарафдорлари

бўлган мустабид ҳукуматларга ҳар жихатдан якин бўлмоклари бадиҳийдир.

Пристуфлар ва ҳокимларнинг бутун деярли овкат ва таъминотлари мингбошиларнинг устига бўлуб, бир сўмлик нарса олиб берсалар, бечора фукародан ўн сўм килиб олиш йўлини ахтарар эдилар ва чорасини килар эдилар.

Мазлум камбагал-косиб фукародан улуг тўраларга берган пораларини ўн баробар килиб олмокка икки жихатдан кодир эдилар. Биринчи, умумий халқдан кўра сармоя хусусидан кучлирок бўлганлари бўлса, иккинчи томондан, сармоя тарафдори бўлган эски тўраларнинг сармоядор амалдорлари тарафида турганликлари эди. Бунинг учун умумхалқни эзишда ва зулм килишда ҳеч кимдан жирканмас эди. Ҳар уч йилда бир мартаба сайловлари бўлар эди.

Яна шундан булар сайлов ўтганчагина бўйинларини кисиб, бир оз мулла мушук бўлар эдилар. Бой кишининг бечораларга кўрсатган озгина бўюн кисиши ҳам камбагаллар учун катта обрў бўлуб, уч йил ичида кўрган зулмлари ҳам эсларидан чиқар эди. Бор-йўқларини кокиб олган тўралар сайлов устида: “Бу мингбоши ок подшоҳга яхши хизмат килди, бизлар розимиз”, десалар, ўзини қайтадан сайлаб кўяр эдилар.

Булар сайланиб, приказ(буйрук)ни олгандан кейин, кўлиъга тупуриб, сайловда сарф қилган мол-пулларини топмок учун баҳона истар эдилар. Мана шу баҳона ва излашларга Йикчи эшон ходидаси зўр сабаб бўлуб, бечора фукаро учун куллан зиён ва кўркинчли бўлса, амалдорлар ва ҳоким (уез бошлиги), пристуф ва мингбошилар учун топилмас шодлик бўлди.

Эшон хужум қилган куни эртасидан тортиб бир йилгача тамом буларнинг зулми тобора авж олиб, кўб кишиларни хонумонидан ажратдилар.

Бир кишини эшонга карашли деб камаб кўйсалар, юкорига ропурти чикканда, эшон ходисаси зулмга катта баҳона бўлгани учун, терговчилар кўзига зўр иш ва катта жиноят эгаси бўлуб кўрунуб, кўб йиллар Сибирга хайдалар эди. Бечорани ажратиб олмок пайига тушган кавм-кариндошлари тамом бор-йўгини сарф килиб, хатто ер ва мулкларини сотиб, терговхиларга пора деб берсалар, натижада яна ўзларини осиш ёки Сибирга юборишга қарор бўлар эди. Бу ҳолда ҳам мол кетиб, оркасида қолган авлоди

камбагаллик балосига йўлукиб, хар ерга борса, гапи ўтмай муттахам бўлуб, камдастлик ва бечораликка одат килмагани учун чидай олмай, охири ўгрилик ва бошка турли ишларга киришгани кўрилар эди.

ХАКАНДНИНГ ВАЙРОН КИЛИНИШИ

Уез маҳкамасида хизмат килувчи мирзо бир кун: “Ушбу кун Мингтепани хароб килиб бўлган солдатлардан “Шахарга кайтишда Йикчи эшонинг юрадиргон йўлларини икки томондан 14 газдан бузиб борсак ҳам кўчалар катта бўлиб колар эди, ҳам ушбу кўча юрган одамладнинг хотираларига подшохи аъзамнинг исёнчилар хакида киладирган танбихи тушиб, сиёсатимиз янгиланиб турар эди.”, деб ижозат сўраган хат келди. Катталар унинг маслахатига киришдилар. “Агар эртагача шу гап маъкул бўлиб чикса, шахар ичидан ҳам кўп ховли ва жойлар бузулуб кетадир”, деган хавфлик хабарни олиб келди.

Бу ёмон гап кулоқдан кулоқка эшитилиб, шахар ичида эшон юрган кўчалар четида бўлган одамларга маълум бўлуб, нихоят бесаранжомликка тушдилар.

Кечалари ухламай, бола-чакалари билан губернатор инсофини тилаб чикдилар. Эртаси кун яна маълум бўлдики: “Бу гап манъ килинибдир, лекин Хаканднинг янги шахар тарафидаги Авгон бог деган машхур зироат тажрибагоҳидаги агрономни ўлдириб кетганлари бахонаси билан ва янги шахарни кенгайтиш учун Авгон богатрофидан шахарга келганча тамом бузуб, хозирга янги шахарча жойини кўшар эмиш. Бу хисобга карагонда Хаканд кишлогининг ярми энг обод богистон ва хуш иморат тарафи вайрон килинар эмиш” деб.

1898нчи йили 25 саратонда бир тўп землемер(ер ўловчи)лар Хакандга чикиб, янги шахарга зич (кўшилган) янги жойларни Авгон богдан бошлаб ўлчаб, байрок тутиб келдилар. Бу байроклар Хаканд фукароларининг энг обод иморат ва ховлилари ва богларига тўгри келган эди. Айланаси тахминан 5 чакирим жойгача вайрон килиш аломати бўлган байрок курилган эди.

Вайрон килишга маъмур бўлган тўралар тахминан 25 кун ўша Хаканд кишлогига юриб, Йикчи эшоннинг юрган йўлини ўртага олиб, янги шахарнинг кун кўруш тарафини

тамоман бузиш учун ўлчаб, аломатлар қўйдилар.

Бу аломатлар қўюлуб, вайрон килинмоғи собит бўлгандон кейин бечора ватан эгалариким, тахминан 500 уйлик хона ва боглар эди, буларнинг ҳаммалари тўпланиб турли-туман аризалар билан Тошкентгача мурожаат қилиб, сиёсат эшитиш ва гамгинликдан бошқа ҳеч нарса қўрмадилар.

Бир кун буларни губернатор чакириб: “Сизлар ҳеч жойга овора бўлиб арз қилманглар; аризаларингиз қабулга қирмайдир, худога шукр қилингларким, подшоҳ император муаззам сизларнинг жойларингизни мусодара қилиш билангина қўйди. Ҳаммалрингизно катлиом қилиб, бола-чакаларингиз билан ер юзидан қириб юбориш эҳтимоли бор эди. Аммо оқ подшоҳ сизларга иноят ва марҳамат қилди. Энди сизлар 15 кун муддат ичида байроқ тикилган жойларидаги иморат ва богларингиз бўлса, очиб, бўшатиб қўйинглар! Бўлмаса,, 15 кундан сўнг солдатлар орқали тўпга тутиб текис қиламиз. У ҳолда иморат ва асбоб рўзгорларингиздан маҳрум қоларсизлар. Ҳам ўзларингизни подшоҳи аъзам фармониға қаршилиқ қилганлар қаторида қўриб, жазоға мустаҳик қилинадир, чиқинглар!” деб ҳайдаб чиқарди.

Шундан кейин бир қанчалари пул тўплаб Тошкентга арз қилмоқ учун бир неча одамларни юборган эдилар. Лекин булар қайтиб қелгунларича бу ердаги ҳокимлар қолгонларини чакириб: “Нима учун шу вақтгача очмайсизлар”, деб, неча хил дашномлар билан сиёсатлар қилиб турган эдилар. Қайтиб қелиб, бош губернатордан қаттиқ сиёсатлар ва дашномлар эшитганликлари ва арзларининг тингланмаганини билдирдилар. Кейин Андижон уез ҳокими буларни чакириб, 15 кишини қамаб қўйди. Бахонаси “Сизлар Тошкандга бориб арз қилибсизлар, гўёки бизларнинг ҳукмимизга норозилик изхот қилибсизлар!” демак эди.

Қўпчилик бориб, буларни қамоқдан қутқармоқчи бўлганда бир ҳафта ичида иш бошламоққа тилхат бериб, йиглаб-йиглаб қайтишдилар.

Бу кунларда ҳам атроф тоғлар ва қишлоқлардан баъзи мингбошиларга ёки аминларга бир замонда ёмон сўз айтилган бўлса, ёки адовати бўлса, у одамни олиб қелиб, аввал бир нарса чикса – хўб, чикмаса дарҳол “эшоннинг муриди ёки мухлиси эди” деб ропурт бериб, фалокатга дучор қилар эдилар.

Маъмур бўлган тўралар ўз аскарлари би билан чодирларини тикиб, халк кўзида ҳар кун машк килиб турдилар. Бир кун тамом фукарони чакириб, губернатор томонидан берилган фармон коғозини ушлаб туруб, халкка шундай амр ва фармойиш килдики: “Агар сизлар ушбу кундан бошлаб байроқ тикилган жойлардаги иморат ва боғларингизни бузиб, бир ҳафта ичида саранжом килиб, яланг қилмасангизлар, биз ўзимиз бузамиз. У вақтда сизлар ҳеч нарсангизга молик бўла олмайсизлар, ҳар нарсани кўлимизга кирса, ўлган солдатларнинг фойдасига олинадир. Эртадан иш бошласангизлар ҳўб, то сизлар тамом очиб олиб, яланг килиб бизга топширганларингизгача ўзимиз устида турамыз. Шунга қўнмасанглар, ўзларингизга ҳам Йикчи эшинга берилган жазодек жазо бериладир. Шунга нима дейсизлар?!” деганда халк замоннинг қўрқинчили вақтидан хавфланиб: “Таксир тўралар! Бизга бу йил фурсат берсангизлар, меваларимиз ва узумларимизни йигиб, сотиб олсак кўлимизга пул тушиб, кейин бир жойга бориб ватан килиб ўлтирсак, алхол бузиб ол дейсиз, қандай килиб шу мева килиб турган дарахтларни кесамиз?” деб арз қилдилар.

Золимлар берахмликини интихосига этказиб: “Бог, иморат оқ подшоҳнинг қўл остида йўқдир. Унинг ҳукмини бажо келтиришдан бошқа чора йўқ: эртага бузасизми ёки бузмайсизми? Шунини айтасиз, агар бузмас экансизлар, бу кун биз тўп қуввати ила вайрон килиб ер билан баробар қиламиз. Ўзингиз импиратор аъзамга қарши бўлган ва ҳукуматга қаршилиқ қилганлар қаторида ҳисоб қиламиз. Гап, шул, ҳайда,... жўна...!” деб қувиб юборди.

Мазлумлар йиглаб-йиглаб тарқалгандан кейин от-арава тараддуд қилиб, эртаси асбоб ва рўзгорларини бўшатдилар. Кишлоқнинг четидаги ховлиларга ташимокка бошладилар. Гоят шошилиш суръатда рўзгорларини ташиб кейин қон йиглаб иморатларини очиб ташладилар, бу йиглаб юрган мазлумлар устига тўралар ва солдатлар қелиб: “Санми эшон!” деб масҳара қилар эдилар. Бир дехқоннинг қўп йиглаганини бир солдат қўруб: “Нима учун йиглайсан?” деб савол қиладилар. У жавобига: “Ҳоким губернаторларнинг берахмлигига, биздек қамбағал фуқароларни беҳонумон қилганига ва бола-чақаларимиз билан қўчада қолгонимизга йиглайман”, деганда: “Сан ҳоким губернаторни золим дединг”, деб гувоҳ бўлиб ўн йиллик Сибирга ҳукм қилиб, бола-чақаларига қўрсатмай жўнатиб юборилгандир.

Мана бу зулм хабарини бошқалар эшитиб, ҳар қанча йигласалар ҳам бирорта солдат ё тўрани қўрсалар, дарҳол ўзларини тўхтатиб, йигламас бўлар эдилар. Хатто хотин-қизлар ва бола-чақалар вақт танг, фурсат оқ қолғони учун баробар кеча-кундуз ишлаб, қўлларига бир ҳафта ичида қирган нарсани қанимат билиб қолди. Шу жойда бир қолнинг йиглаб турганини хабар олиб тургон бир тўра қўриб қолиб: “Нима учун йиглайсан?” деганида у: “Э болам, оқ подшоҳимизнинг ўлган аскарларининг бола-чақаларининг минбаъд қўрадиған қунларига раҳмим қелиб йиглайман”, деб

жавоби мунофиконани берганида, индамай кетгандир. Шу киши ҳозир ҳаёт. Ўз огзидан ёзилди.

ЎЛИКФУРУШЛАР

Истибдод тарафдорлари бўлган оч бўрига ўхшаган тора ва чиновник-мансабдорларни биз, Туркистон элини зулмнинг канча нави бўлса, ўшанча нави билан алохида-алохида азоб бериб, раҳмсизликлар билан ерли халкнинг анжомини ва айбларини зўр жиноят қилиб, кўлида бор мол-амлоқларини тортиб олар эдилар. Жиноят қилмаган киши кичкина бир айб билан қамаб қўйилиб, дархол миёнчи ҳам асрорлари воситаси билан бирмунча пулга басеъ бўлар эди. Бу ҳол маъруф ва машҳур одатлар каторига қириб қолди.

Шунинг учун биз Туркистон камбағалларини чор золимлари ҳамиша бир тухмат билан гирифтор бўлуб турмоғимизга толиб бўлуб, доимо ўлимтик излаган чўжагатдек кўзларининг бизнинг устимизга тикиб ўлтирган эдилар. Йикчи эшоннинг тоғ ва тошдаги, шаҳар ва қишлоқларда ошқор зулм ва қаҳрларига чидамай, жонидан тўйиб қилган хужуми зўр баҳона бўлуб, фуқарони икки тарафдан муддаларининг борица ва қўлларидан қелганича эзиб ёмонликларини қилдилар. Солдатларини кўча ва саҳрода ётқизиб қўйиб, юқорида кўрсатилгандек 15 кунгача қимирлаган жонни қўймай отиб турди. Беихтиёр ишлашга ва мардикорчиликка, айникса, қурт тутган ва вақти бўлгани учун барг қесишга борган меҳнатчи бечораларни тутдек тўкиб, ўликларини ит, қуш ёб қетди. Хатто қатиг ва сўт сотмокка қетиб турган масъум болалар бераҳмлиқ билан отиб ўлдирилди.

Масъум болаларнинг ота-оналари ўзлари қўчага чиқа олмай ёки болаларининг устига қоролмай, қечалари солдатларни охишта қаққиб, болаларининг ўлигини топиб бериш учун басеъ қилиб, қўб микдорда қул бериб, топиб олдиран эдилар. “Қора қерилса, ўликларни солдатлар охишта топиб қерар экан”, деб қўб қишилар бу йўл билан қориб солдатлардан ўликларини сотиб олар эдилар. Қора-қора бу иш тўраларга ҳам маълум бўлуб, булар ҳам қусулмонлар билан қечалари сўзлашиб, ўликқурушлиқ қилишга қиришдилар.

Биз фуқаронинг қегуноҳ ўлганларимиз етмай, ўз ўлик қасадларимизни ўликларига ит, қуш тегиб, қайсиси қўлсиз, қайсиси оёқсиз ва қайси қирисининг юзъ-қўзи йиртик қолда сотиб олинган. Бундан бошқа қалам билан таҳрир қилиб бўлмаслиқ қаражадаги

хакоратлар тирикларимизгагина бўлмай, ўлган ога-иниларимизга ҳам теккан эди. Мана бу каби хакоратни моддий зиёнимиз ва чор ҳукуматининг Туркистон дехконларига килган моддий ва маънавий адовати ва золимлиги деб ном берсак, ёлгон ёзмагон бўламиз.

Мана бу хол ҳамма кишлоклардан кўра кўброк Йикчи эшоннинг ватани бўлган Мингтепа билан янги шаҳарнинг жануб тарафидаги Хакандда бўлгандир. Хусусан вайрон килиб, янги шаҳарга кўчканча 25 кунга якин бу зулм ва сиёсат давом этиб турган эди.

ВАЙРОНА ВА “МАРҲАМАТ”

Шаковатпанох тўралар, фалокатмаоб ҳокимлар Андижон шаҳрининг бог ва бўстони бўлган Хаканд кишлогини “Йикчи эшоннинг юрган йўли” деб бахона килиб, юкорида ёзилгондек ватан эгаларини милтиклари билан отиб ўлдириб, канча болаларни етим, канча хотинларни тул килиб, обод бог ва бўстонлик навнихол дарахтларни илдизи билан ўз эгаларига кестириб, ишком (валиш)ларни буздириб, хатто теп-текис килдирдилар. Хаканднинг текисланган жойини бир канча солдат ва тўралар чикиб айланиб кўрдики, 25 кун илгариги бог ва бўстонлардан асло нишона колмаган. Ўша кун тездан миршаб ва мингбошиларни чоптириб, тамом шаҳар ва Хаканд фукаросини тўплади ва ҳамма ҳозир бўлгандан кейин ушбу жойда иморат ва боглари бўлган кишилар бир тарафга турсин, деб буюрди.

Бечора фукаралар: “Биз иморати бузилганлар хамано гунохкорлармикан? Иморатларимиз вайрон килинди. Энди ажраб, бошка алохида турмоқка буюриши отиб юбориш учунмикун? Ёки камаб кўярмикин?” дб халк ичига уриб, юзларини пана килар эдилар. Бечоралар нима килсинлар? Маним иморатим бузилган эди, деб ҳеч ким кўпдан айрилиб чикмади. Шунинг учун бу хил сўз бошлади:

- Эй мусулмонлар!

Сизларнинг устингизга ёмон куш соя солгон эди. Император аъзамнинг каттик ва кахрлик газабига тўгри келган эдингизлар. Лекин у баланд даражали Туркистон вилоятининг генерал-губернатори сизларни ояб, халқда гунох йўк, гунох килгувчиларни бегунох халқ ўзи ушлаб кўрсатиб берди. Айбдорларнинг хаммаси жазо ва сазосига

еткурилди ҳам еткурилмакдадир, деб неча дафъа телеграмлар бериб, шавкатли ок-подшоҳ хазратларидан сўраб олдилар.

Бинобарин, сиз Хаканд фукарolari сог-саломат колдингизлар. Энди сизларни кўп илтижо билан сўраб олган ҳокимни подшоҳи аъзамнинг қошида ёлгончи қилмай, ичингизда бўлган император аъзамга тиг тортган гуноҳқорларни ўзларингиз кўрсатиб беришларингиз керак.

Агар кўрсатиб беришдан ибo қилсангизлар, махфий хат қилиб, тегишли амалдорларга берсангизлар, ўзлари топиб оладилар. Чунки ойинадан равшанроқ биламизки, сизнинг ичингизда хоҳ қатталардан, хоҳ қичиклардан бўлсун ўша исёнга қўшилганлари кўпдир. Лекин сизлар хали ҳам у олампаҳохнинг газабларидан кўркмайсизлар.

Кўркмаганларингизга далил шуки, то ханузгача ўз қўлларингиз билан бир қишини ушлаб берганларингиз йўқ. Қимқи тутилди подшоҳи аъзамнинг тузини риоятилган амалдорларнинг воситаси билан ушланди. Аммо сизлар ўйламангларки, айтмасак, махфий қоладир, деб. Бизлар Андижон шаҳари ва уездининг аҳолисини галбирдан ўтказгандек тафтиш қиламиз. Ул ҳолда исёнчиларнинг ўзи ажралиб қоладир. Бу йўл билан топилгонда сизлар ҳам ўша исёнчилар қаторидан бўлуб, балки исён қилганларни сақлаганингиз учун гуноҳ қилувчидан ҳам қаттигроқ газабга қолсангиз керак. Мана, энди бу вайрон қилинган жойлар хусусига қелсак, аслида у олампаҳох импратур аъзамга тиг тортгувчиларнинг бир қитъа жойларини вайрон қилш билан эмас, балки ўша шаҳарнинг эли ва уези билан остини устига қилмақ ва ўша шаҳарда асло қимирлаган жонни қўймаслик билан бўлар эди. Андижон шаҳарининг жами уезлари билан Фаргона музофотининг обод ва манфаатлик шаҳарларидан бўлгани учун ҳам шаҳарнинг кўп фукарolari бу воқеадан беҳабар бўлгонлари бизнинг олдимизда собит бўлгани учун ман Фаргона губернатори, у баланд даражали ярим подшога кўп илтижо қилганим ва сиз ақсар халқнинг бу афсуслик воқеадан беҳабарликларингиз ва гуноҳ қилмоқда Йикқи эшон билан шерик эмасликларингизни кўп ёзганим учун у баланд даражалик бош ҳоким маним хотирам учун подшоҳ аъзамга ёзиб, эшонни ватани Мингтепа билан Хаканднигина қаттиом ва текис қилишга у олампаҳох ок подшоҳ улиг газабларини ҳаср қилинган эди.

Мингтепа бўлса тамом бўлуб, ёлғиз номигина қолди. Хакандга қелсак, Андижон шаҳаригагина эмас, бутун Россияга мева ётқазиб тургон бир обод богистон ер бўлуб, ҳосиллик жиё мулоҳазасида ҳам кўп майда мевали дарахтларнинг нобуд бўлуб қейишини назарда тутуб, яъни подшоҳи аъзамнинг улуг меҳрибонлиги ва шавқатига суяниб туруб Тошқандга – ярим подшоҳ хазратларига ёзиб эдим.

У баланд даражали ярим подшоҳ импратур аъзам боргохларига илтижо килиб, харбий вазир мухтарамларини иноятли маслахатлари билан исёнчилар узаёткан ва охири тўхтаган жойи Хакандни бузуб ва сурнугун килиб, номими олам юзидан йўкотмок билан у олий хазрат импратур аъзам газабларининг шуъласини ўчуруш билан подшоҳ хазратларига манзур килиб сиз Хаканд фукароларининг ҳам алхол бузилмайдиргон жойларингизни тилаб олдик. Ёлгиз исёнчиларнинг овози етган ва охири тўхтаган жойгача тахмин килиб, шу хароб этилган жойдан ташкарисини эли билан соғ-саломат саклаб колдик.

Шунинг ухун сизлар доимо у олампадох ок подшоҳнинг хонадони муаззамлари билан кўб йиллар салтанат тахтида иззат билан баркарор бўлмокларига ва ўртада восита бўлиб тилаб олган у баланд даражали ярим подшоҳ хазратлари ва унга карашли барча амалдорлар ва тўраларининг узун йиллар умр кўруб, йўл бошларингизга соябон бўлмокларига дуо килинг!..

Аммо жойлари вайрон килингон ва иморат-боғларидан ажралганлари жонларидан ва бола-чакаларидан ажралмаганлари учун доимо шукр килсунлар. Шундай жойларидан ажрамоларига сабаб бўлгувчи исёнчиларни хар жойда ҳам бўлса, кўрсатуб берсунлар. Ўзларининг ва подшоҳ аъзам аскарларининг ўчини чикарсунлар.

Шундан кейин у баланд даражали ярим подшоҳимизнинг Хаканд номини ер юзидан махв килмокка берган ваъдалари юзасидан бу янги майдоннинг номини нима кўйсак бўладир, деб мусулмонлардан ном сорайдир.

Амалдорларнинг ўзлари ҳам тўпланиб, маслахат килиб, улар ўртасида икки ном талаш бўлди. Бир тараф бу майдонни кўчаларга таксим килиб, ўртасидан бир катта кўча олиниб, номини “Духовский кўча” кўямиз, чунки ярим подшоҳ бу жойни саклаб, элини катлиомдан олиб колди, дедилар. Яна баъзилари, алхол, янги шаҳарнинг ўзи катта, хар канча одам бўлса, яна кифоя киладир. Хануз бўлмаган кўчаларни бўлди килиб, кетиндан кўча бўлмай экин экулуб кетса, ярим подшоҳнинг номи ўчуб кетадур. Бинобарин, катта экин жойларнинг номини кўйсак бўладир. “Духовский махраъ” бўсун дедилар. Мусулмонлар маслахатига караса, булар ўртасида анча хил гап бўлуб, бир тараф “Ярим подшоҳ вайрон килган (“Духовский вайрона”) бўлсун” дейдир. Иккинчи тараф “Ярим подшоҳ харобаси” бўлсун дейдир, учинчилари “Духовский майдон” ва тўртинчилари “Пошхолик” кўямиз дейдир... Баъзилари: яхшиси ва осонгинаси “Вайрона” дея колайлик дейдилар. Буларнинг устига мустабидчилар келиб: зинхор вайрона лафзини кўшманглар, ким “вайрона” деса, иштраф киламиз деб манъ килдилар. Охири “Духовский майдон”га карор бериб, жўнадилар. Ўзбеклар ўртасида “вайрона, вайрона”

деб шухрат топди. Муниг дафъи учун неча мартаба манъ килиб, буйрук килсалар ҳам бўлмай, то бу кунларгача вайрона исми билан ёд килинмокда колди. Хали ким бўлса бўлсун, вайрона деса, дафъатан билинадир. Истибдодчиларнинг бегунох халк устига килган зулмини то бу кунгача равшан кўрсатиб турадур.

Аскарлар Мингтепани халки билан тўпга тутиб, кари ва ожиз кишилари ва ёш болалари тўпнинг ўки билан парчаланиб кетдилар. Тамом иморатларини вайрон килиб ташлаб бўлгандан кейин, тўпга тутмокка борган солдатларнинг бошлиги 25 кундан сўнг Андижон шахрига келиб, губернаторнинг килган зулми ва ситамининг отини “подшоҳ аъзамга тиг кўтаргувчиларга танбих” кўйиб, ропурт топширди. Бу топшурган ропурти эски дафтарлар сакланадиргон архивларда бўлса керак.

Йикчи эшон кишлоги бўлган Мингтепани гўристонга айлантиргандан кейин “Ярим подшоҳ” ички Русияга бориб, тўрт юз уйлик мужик талаб килди ва мужикларга Мингтепа кишлогини мархамат килдик деб кишлок отини “Мархамат” кўйди. Саратов ва Самара тарафлардаги ранг-рўйига караб бўлмайдурган ифлослардан Андижонга тўрт юз уйлик етиб келдилар. Буларнинг хаммасини хотин, бола-чакалари билан Мингтепага олиб бориб жойлаштирди.

Бу янги келган меҳмонларнинг атроф-кишликлардаги мусулмон дехконларига килган зулмлари асло айтилиб битирилмайдирган ва бепоёндир. Бу келганлар андак кунда бой бўлуб, кишлок фукаросининг кўпини ўзларига хизматкор килган эдилар ва Фаргона фукаросини истисмор килишда нар хардек шовкун солар эдилар.

ИСТИБДОДНИНГ ЎЛУМИ

Мустабид чор ҳукуматининг харбий тўралари Йикчи эшоннинг хужум килишидан бир йил кейин аскарларини келган жойларига кайтардилар.

Бир йил ўтганча хадик килиб, 2500та таловчи аскарлари хамиша эски шахар ва янги шахарни айланиб, бечора мусулмонларни ўзларига ёлбортириб, табиатлари хохлаган бузгунчиликларни килиб юрдилар. У вақтда истибдоднинг хар бир солдати мусулмонларнинг кўзига “фил”дек кахрамон-котил бўлуб кўринар эди.

Хеч кимда хад йўк эдики, буларнинг райини кайтарса. Кўчада кўзларига нима кўринса, кўл солиб, олиб кетар эдилар.

Мулла Ахмадали деган читфуруш бор эди. Бу кишидан бир солдат келиб, 8 газ чит олган ва пулини бермай кеиб турганда, читфуруш пулини талаб килган экан, кўлидаги милтикнинг кўндоги билан бошини ёриб ва ўзини палитса оркали бадбахт тўраларга судраб бориб, “саккиз газ чит олиб, 5 сўм бериб эдим. Ошган пулини кайтиб бермай, муттахамчилик киладир ҳам ўзининг бошини устунга уруб, конатиб: “Сенинг ҳам ўлгинг келдими, ўлсанг сан билан 24 та бўладир. Сизлардан кутулар кун борми?” деди деб даъво килганда, у вақтлардаги сиёсатлардан юрак олдирган сабабли кўркуб кетиб: “Эхтимол беш сўм берган бўлса, ман сахв килиб хаёлимдан чиқарган бўлсам, бу хурматли солдат афанди хеч вақт ёлгон айтмасалар керак”, деди.

Унда пристуфнинг газаби келиб:

- Ок подшоҳ хазратларининг солдатларини қандай ёлгончи киласан! Ҳам унинг ҳақида тухмат килмокчи бўлуб, бошингни ўзинг ёрасанму?- деганда, Мулла Ахмад Али:

- Йўк, таксир тўра бошимни бу солдат оғамиз уруб ёрди, наинки киши ўз бошини ёрса, — деган вақтда, туткан миршаби:

-Ёлгон айтма, ман ҳам кўрдим. Ўзинг устунга уриб ёрдинг, — деб ёлгон гувоҳлик берди.

Бунинг гувоҳлиги билан уни уч кун қамаб, читнинг гази йигирма тийиндан экан, 8 танга бўлади: 3 сўм 40 тийин ошик пулини ҳам бер, деб олиб бергандир Бекорга шунча қалтак еб, саккиз газ чит билан 3 сўм 40 тийин ёнидан пул тўлаб, ҳам 3 кун қамалиб чиқди.

Мазлум халқ узун замонлар тортиб келган хорлик ва зорлик, зулмининг натижа ва оқибатини кўруб турибдирмиз. Уларга муқофот бўлуб, тахт ва бахтидан ажраб, тамом дастгоҳи ўша асарда оёқларининг остида эзилиб юрган мазлумлар кўлига ўтди, улар ўз

кунларини ўтқариб, йўқсуллик ва мазлумлик қувватлари, улуг дохийлар ва ўткир фикрлик раҳбарлар йўлбошчилиги ва гайратлари орқасида бу Кизил Ўзбекистон озодлик давлатига мушарраф бўлди.

Бу китобимизни тамом қилиш олдида Шайх Саъдийнинг хикматли байтларидан икки жуфтини келтириб ўтамыз:

Агар бад куни чашм ники мадор.
Ке харгиз наёрад к-аз ангур бор.

Яъни: Агар ёмонлик қилган бўлсанг, яхшилик умид қилма, ҳеч вақт аччиқ гўрадан ширинлик чиқмайдир.

На пандора, эй, пар, хазон каште жав,
Ке гандўм итони бевақт дерав.

Яъни: Эй қузда арпа эккан дехкон, мен ўйламайманким, сенинг ҳосилинг ўрар вақтда бугдой бўлиб қолса...

Манба: zerrspiegel.orientphil.uni-halle.de